

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**ТЕХНОЛОГИК МАШИНА ВА ЖИҲОЗЛАР
кафедраси**

Мавзу: КХК ларда касбий фанларни ўқитишда мустақил билим олиш методларини ишлаб чиқиш
ва амалда тадбиқ этиш

Битирувчи 14-КТТМЖ-12
гурух талабаси

Бешибоев Муҳаммадсолиҳ

БМИ рахбар:

доц.Б.Отахонов

Кириш

I. Бошланғич маълумотлар

- 1.1. Касб хунар коллежи тарихи
- 1.2. Касб хунар коллежининг моддий-техника базасининг таҳлили
- 1.3. Касб хунар коллежида баҳолаш тизимининг таҳлили
- 1.4. Касб хунар коллежидаги методик ишлар таҳлили

2. Талабаларниг мустақил фаолиятларини педагогик бошқариш

- 2.1. Талабаларниг мустақил фаолиятларини педагогик бошқаришнинг моҳияти
- 2.2. Умумўқув кўникма ва малакаларга эга бўлиш – талабаларниг мустақил фаолияти асоси
- 2.3. Ўқув фани бўйича ўқув услубий мажмуа (ЎУМ)
- 2.4. Ўқув фани бўйича талабага мўлжалланган ЎУМ ишлаб чиқишнинг воситалари
- 2.5. Таълим воситалари: тушунча ва мазмуни
- 2.6. Мустақил иш шакллари
- 2.7. Режалаш учун мустақил иш шакллари
- 2.8. Мустақил иш шакллариининг бошқа кўринишлари

3. Мустақил иш шаклларида фойдаланиш методлари

- 3.1. Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг йўли ва воситалари
- 3.2. Маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш, таққослашнинг йўллари ва воситалари
- 3.3. Муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва уни ҳал этишни режалаштиришнинг йўллари ва воситалари
- 3.4. КХК ларда касбий фанларни ўқитишда мустақил билим олиш методларини ишлаб чиқиш ва амалда тадбиқ этиш

4. КХК ларда касбий фанларни ўқитишда мустақил билим олиш методларини ишлаб чиқиш ва амалда тадбиқ этишда меҳнат муҳофазаси масалалари

- 4.1. Меҳнат хавфсизлигининг таъминлаш бўйича кўрсатмалардаги умумий талаблар
- 4.2. Ўқув устахоналаридаги меҳнат муҳофазаси

5. КХК ларда касбий фанларни ўқитишда мустақил билим олиш методларини ишлаб чиқиш ва амалда тадбиқ этишда атроф–муҳитни муҳофаза қилиш масалалари

- 5.1. Умумий масалалар
- 5.2. Автотранспорт технологияларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

6. Таълим иқтисоди масалалари

- 6.1. . Таълимда бошқарувнинг мазмуни ва аҳамияти
- 6.2. Давлат иқтисодиётининг ривожланишида таълимнинг ўрни ва аҳамияти

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Иловалар

Реферат

Битирув малакавий иши _____ варақ қўлёзма, _____ та расм, _____ та жадвал ва _____ та фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи бобда касб ҳунар коллежининг тарихи, моддий-техника базасининг таҳлили, баҳолаш тизимини таҳлили, методик ишлар таҳлили келтирилган.

Иккинчи бобда талабаларнинг мустақил фаолиятларини педагогик бошқаришнинг моҳияти, умумқув кўникма ва малакаларга эга бўлиш –талабаларнинг мустақил фаолияти асоси, ўқув фани бўйича ўқув услубий мажмуа, ўқув фани бўйича талабага мўлжалланган ўқув услубий мажмуа ишлаб чиқишнинг воситалари, таълим воситалари: тушунча ва мазмуни, мустақил иш шакллари, режалаш учун мустақил ишлар, мустақил ишларнинг бошқа кўринишлари тўғрисида маълумотлар тўпланган.

Учинчи бобда маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар (ҳодисалар, воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг йўли ва воситалари, маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш, таққослашнинг йўллари ва воситалари, муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва уни ҳал этишни режалаштиришнинг йўллари ва воситалари, КХК ларда касбий фанларни ўқитишда мустақил билим олиш методларини ишлаб чиқиш ва амалда тадбиқ этиш масалалари ишлаб чиқилган.

Меҳнат муҳофазаси бўлимида ўқув устахоналарида меҳнат гигиенаси қоидалари бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган.

Атроф–муҳофазаси бўлимида транспорт воситаларининг атмосферага чиқараётган зарарли моддалари ўрганилган.

Иқтисодий қисмда таълим тизимларининг молиявий–иқтисодий фаолияти кўрсаткичлари аниқланган.

Кириш

Инсоннинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини руёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ- атворнинг андозаларини ызгартириш республикамизда амалга оширилаётган ислҳотларнинг асосий мақсад ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва психологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг муҳим шартидир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунинг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосам тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий в ижтимоий фаолликка, ижтимоий — сиёсий ҳаётга мустақил равишда мўлжални тўғтри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истикбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир ворисларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Менга битирув малака иши сифатида «Касб-ҳунар коллежлари ўқув базасида ўқувчиларни иш ўрнини ташкил этиш методикасини ишлаб чиқиш» мавзуси бириктирилган эди. Бу мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, ҳозирги кунда коллеж ўқувчилари учун мутахассислик фанлари бўйича етарли даражада адабиётлар йўқлиги, бори ҳам собиқ иттифоқ даврида 1990 йилгача нашр этилган рус тилидаги манбалардан таржима қилинган адабиётлардир. Бу адабиётларда собиқ иттифоқ даврида ишлаб чиқарилган автомобилларни тузилиши, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлатиш технологиялари баён этилган. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ва чет эллардан кириб келаётган янги, замонавий автомобилларининг тузилиши, айниқса, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари бўйича адабиётлар деярли йўқ ёки бори билан ҳам касб-ҳунар коллежлари таъминланмаган. Ҳозирги касб-ҳунар коллежларида тайёрланаётган мутахассисларга қуйидаги талаблар қўйилган:

Педагогик фаолиятнинг муҳим шarti уннинг фан бўйича дарсга тўғтри тайёрланишдир. Ўқитувчининг бу сифатига илмий — техника тараққиётининг замонавий босқичида юқори талаблар қўйилмоқда. Бунга ўқув фанлари мазмунининг доимо ўзгариб туриши, янги техникавий фанларнинг пайдо бўлиши сабаб бўлмоқда.

Касбларнинг турли туманлиги, ўқув режаларида касбий фанларга ажратилган соатларнинг чегараланганлиги, ҳамда мазмуннинг тўхтовсиз ва сезиларля ўзгариб туриши кенг профилга эга блган муҳандис муаллим тайёрлаш зарурлигини белгилайди.

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлик жараёни икки босқичдан иборат перспектив ва жорий тайёргарлик. Перспектив тайёргарлик, одатда кескин чегараланган шаклга эга эмас ва йил давомида ўтказилади. Унинг асосида ўқув фани бўйича ўқитувчининг дарслар тизимини ишлаб чиқиш ётади. Бу босқичда у касб тавсифномасини, ўқув режасини, ўқув дастурини, дасрлик ва ўқув қўлланмаларини ўрганиб чиқади ва ўқув—моддий асосни яратишга, таълим воситаларини танлашга алоҳида эътибор беради. Кирилган барча элементларнинг (машғулот мазмуни, ташкилий шакллар, таълим методлари ва воситалари) мақбул таркиби асосида ишлаб чиқилган мавзулар режаси перспектив тайёргарликларнинг якуни ҳисобланади.

Ўқитувчининг машғулотларга жорий тайёргарлиги босқичига мавзу ва дарслар бўйича тайёргарликни ўз ичига олади. Мавзу бўйича тайёргарлик қандайдир ишланмалар ва машғулотларни режалаштириш билан боғлиқ эмас. Бу босқичда ўқитувчи мавзунинг мавзулар режасидаги ўрни, унинг тузилиши ва мазмуни белгилайдиган ўқув—дастур ҳужжатлари билан танишади, мавзулар режасида режалаштирилган машғулотлар тизимини ўрганади, адабиёт танлайди ва бошқа фаолият турларини белгилаб олади. Кўрсатилган даврлардаги бажарилган ишлар ўқитувчининг дарсга тайёргарлик кўришида унинг элементларини мавзу бўйича бир бутун тизим сифатида шакллантиришга, ўқув — тарбиявий мақсад ва вазифаларни амалга оширишга имконият яратади.

Ҳар бир дарсга тайёргарлик мавзулар режаси асосида амалга оширилади. Мана шу муҳим босқичда ўқитувчи алоҳида дарснинг мақсадини аниқлаштиради, ўқув материални танлаб олади ва тизимга солади, баён ва назорат қилиш методини ишлаб чиқади ва дарс самарадорлигини

белгиловчи ташкилий ва методик масалаларни ҳал қилади. Кўриб ўтилган босқич дарс режаси ва дарс конспектини тузиш билан яқунланади. Тажрибали ўқитувчилар ёйилган (кенгайтирилган) режа-конспект билан чегараланишади. Аммо, энди иш бошлаётган ўқитувчилар учун иккала ҳужжатни тузиб чиқиш шарт деб ҳисоблаш зарур. Бу ўқитувчининг дарсларга синчиковлик билан тайёрланишини, ҳужжатларни аниқ расмийлаштиришни, материални мустаҳкамланишини таъминлайди.

Касб-ҳунар коллежи ўқитувчисининг дарсга тайёргарлик босқичлари умумтаълим фанларнинг ўқитувчисининг тайёргарлик босқичларидан фарқ қилмайди. Аммо, уларнинг фаолият мазмуни бир —биридан кескин фарқланади. Фарқларнинг сабабларидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

— ўқитувчига топширилиши мумкин бўлган мазмуни бўйича турли хил (100 дан ортик) техникавий фанларнинг кўплиги;

— илмий — техника тараққиёти даврида техникавий фанларнинг мазмунини доимий эмаслиги;

— техникавий фанларни ўқитиш методаларининг мукамал эмаслиги ва камлиги;

— талабалар томонидан барча ўқув фанларнинг хусусий ўқитиш методларининг ўрганишнинг имконияти йўқлиги.

Охириги белги ўқитувчи касб-ҳунар коллежи ўқувчисини олий ўқув юрти дастурида ўқитиш методи кўзда тутилиган фанга ўргатишини билдиради.

Шу сабабли дарсларга тайёргарлик давомида, босқичлар бўйича амалга оширишда, у мустақил равишда— фан бўйича барча ўқув — дастурий ҳужжатларни ўрганиши ва таҳлил қилиши;

— адабиётларда келтирилган фан тўғрисидаги маълумотларни ва уни ўқитиш методларини умумлаштириши;

— керакли ҳолларда мавзулар режасига ва мавзу мазмунига ўзгартиришлар кирита олиши;

— фанни ўқитиш методи бўйича танлаб олинган материалларни таҳлил қилиши, тизимга солиши ва танлаб олинган материални касб ҳунар коллежи йўналишига мос ҳолга келтира олиши;

— фаннинг ўқитиш методи ўқув—методик адабиётларда ёритилмаган қисмларининг ўқитиш методини ишлаб чиқиши керак.

Буларнинг ҳаммаси ўқитувчининг машғулотларга перспектив тайёргарлиги фавқулодда аҳамиятга эга эканлигини белгилайди. Чунки, ҳудди шу даврда ўқитувчида ўқув материали, ўқитиш методи ва мумкин бўлган таълим воситалари ҳақида тизимли ва бутун тасаввур ҳосил бўлади.

Битирув малака иши Янгиқўрғон туманидаги Янгиқўрғон агросервис ва транспорт касб—ҳунар коллежи мисолида бажарилди.

I. Бошлангич маълумотлар

1.1. Касб ҳунар коллежи тарихи

Янгиқўргон агросервис ва транспорт касб-ҳунар коллежи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги "Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора тadbирлари тўғрисида"ги 204-сонли қарорининг 1-банда ва 2003 йил 29 октябрдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишини таъминлашга доир қўшимча чора - тadbирлар тўғрисида"ги 473-сонли қарорини бажариш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими Вазирлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Марказининг 2009 йил 11 мартдаги 60-сонли буйруғи, Наманган вилояти ҳокимлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг 2009 йил 15 майдаги 431-сонли буйруқлари асосида ташкил этилган.

Таълим муассасаси 2009 йил 3 сентябрдан ишга туширилган. Бино пишган ғишдан қурилган, замонавий типда 3 қаватли, электр энергияси ва иситиш тармоғи билан таъминланган. Ўқув хоналари сони 24 та Маъмурий хоналар сони 14 та, 1 та кутубхона, 1 та мутоола хонаси, 1 та 135 ўринли фаоллар зали, 1 та 20 ўринли буфет, 1 та спорт зал, чилангарлик устахонаси, 1 та 50 ўринли ётоқхона ва бошқа қўшимча хоналарни ўз ичига олади.

Коллежда 4 та фан кафедралари, жумладан, аниқ; ва табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар фанлар ва тиллар, транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш, агроиқтисодиёт кафедралари ташкил этилди. Кафедра ўқитувчилари томонидан очиқ дарслар, ҳафталиклар жадвали тасдиқланди.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш учун зарур булган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асоси тайёрланди ва тасдиқланди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш, урта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида укув машғулоти журналиларини юритиш буйича услубий кулланмаларни педагогик жамоа уртасида урганишни ташкил қилиш юзасидан укув семинарлар ташкил қилинди.

Коллеждаги мавжуд 27 та гуруҳда ўқув журналларини талаб даражасида юритилиши таъминланди.

Ўқув жараёнига факультатив соатлар ҳисобидан киритилган фанларни қўшимча жадвалга киритилиши ва ўз вақтида ўтилиши таъминланди.

Дарсдан ташқари вақтда ўқувчиларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказиш учун 25 та фан ва 3 та спорт тугарақлари фаолияти йулга қўйилди, дарсларда ноанъанавий педагогик усуллар, "Заковат", "Брейн Ринг" каби мусобақалар ўтказиш орқали уларнинг интеллектуал қобилиятларини оширишга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2008 йил 29 августдаги 1846-сон билан рўйхатдан ўтган «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси ҳузуридаги алоҳида ўртак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия тўғрисида Низом» асосида тузилган махсус комиссия қарорига асосан юқори касб-маҳоратга эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга аниқ шахсий ҳисса қўшаётган 9 нафар педагог-ходимлар иш ҳақи базавий тариф ставкаларига нисбатан устамалар белгиланди.

24 та фан хоналарини талаб даражасида жиҳозланиши ва ундан самарали фойдаланишни доимий назорати шакллантирилди, физика, кимё, биология фанларидан ўқув-лаборатория жиҳозлари келтирилди ва дарс жараёнларида улардан фойдаланилмоқда.

1.2. Касб ҳунар коллежининг моддий-техника базасининг таҳлили

Коллежда ўқувчиларнинг назарий билимларини амалда синаб кўриш, қўллаш, касбий қўникма ва малакаларини ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган. Ўқув ишлаб чиқариш биносида «Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш», «Автомобиллар тузилиши», «Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш», «Чилангарлик», «Электр машиналари

ва курилмалари», «Темирчилик», «Пайвандлаш». «Металларга механик ишлов бериш» устахоналари ва «Мехнат муҳофазаси» хонаси ҳамда ёрдамчи хоналар ташкил этилган бўлиб, барча ўқувчилар учун иш жойлари ташкил этилган.

Ўқувчиларни иш жойлари инструкцион карталар, керакли асбоблар, мосламалар, жиҳозлар, стендлар, иш кийимлари ва ҳимоя воситалари билан таъминланган. Устахонада 10 дан ортиқ станоклар ёрдамида керакли деталлар тайёрланади.

Ишлаб чиқариш таълими сифатини янада ошириш мақсадида «Амалий таълим» кафедраси ташкил этилган бўлиб, бу кафедрага 4 нафар муандис-педагог ва 12 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари бириктирилган. Барча касб усталари олий маълумотга эга. Шунингдек, коллеж устахонасида кутубхона филиали фаолият кўрсатади.

Техникаларни бошқаришни пухта ўзлаштириш учун коллежда автодром ва жами 31 та техникага эга бўлган машина-трактор саройи мавжуд бўлиб, шундан 12 таси турли русумлардаги тракторлар, 7 таси юк машиналари, 3 таси енгил автомобиллар. Шунингдек, пахта териш машинаси, булдозер, скрепер ва бошқа техникалардан амалда фойдаланилади.

Коллеж ўқувчилари ўз билимларини ишлаб чиқаришда қўллашлари учун имкониятлар яратилган. Барча ишлаб чиқариш, технологик, диплом олди амалиётлари туманнинг йирик ширкат хўжаликларида, корхоналарида, ташкилот ва фирмаларида, автокорхоналарида ўтказилади.

Ҳозир коллежда 42 та ўқув хоналари, 5 та лаборатория, 6 та ўқув устахоналари мавжуд бўлиб, улар янги жиҳозлар билан таъминланган. Айниқса, химия, физика, чизмачилик, электромеханика, «Йўл ҳаракати қоидалари», «Масулотлар сифатини назорат қилиш» хоналари ва лабораториялари, 3 та компьютер синфи замон талаблари даражасида жиҳозланган.

«Таълим тўғрисидаги» қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида меҳнат қилаётган коллеж жамоаси келажакимиз пойдевори бўлган ҳозирги ёшларга таълим-тарбия бериш ва касб-ҳунарга ўргатиш, Ўзбекистон Президентининг «+ишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлай оладиган, раоқбатбардош ва мавжуд муаммоларни тadbиркорлик билан ҳал этадиган етук малакали мутахассислар тайёрлаш вазифалари бажарилмоқда.

1.2 Касб ҳунар коллежидаги методик ишлар таҳлили

Коллежда қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича тайёрланаётган кичик мутахассисларнинг билим даражасини янада ошириш, мустақил шуғулланишлари учун 15 мингдан зиёдроқ илмий-ўқув ва бадий адабиётларга эга бўлган кутубхона ва замонавий ўқув зали мавжуд. Сўнгги йилларда ўрта махсус, касб-унар коллежлари учун мўлжаллаб чиқарилган янги дарсликлар, услубий қўлланмалар, маърузалар матнлари билан ўқувчилар етарли даражада таъминланган. Шунингдек, ҳар бир ўқув хоналарида ҳам кичик кутубхоналар ташкил этилган.

Ўқувчилар дарсдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ва самарали ўтказиш мақсадида, уларнинг қизиқиши ва лаёқатларини назарда тутган ҳолда 6 та фан тўғарақлари, 4 та ортиқ спорт секциялари ва бадий ҳаваскорлик, фотоҳаваскорлик тўғарақлари ташкил қилинган.

Коллежда илғор педагогик тажрибаларни ва янги педагогик технологияларни таълим жараёнига тadbик этиш ва улардан самарали фойдаланиш борасида амалий ишлар режаланган. Коллеж ўқувчилари ва муҳандис-педагоглари ҳар бир дарсни ноанъанавий тарзда, қизиқарли, таъсирчан ўтилмоқда. Янги педагогик технология элементлари киритилган намунавий дарслар ташкил этилган.

Ўқувчиларга давлат таълим стандартлари талаблари даражасида билим бериш, ўитувчиларнинг ўзаро тажриба алмашиши, педагогика янгиликларини таълим-тарбия тизимида тadbик этиш мақсадида коллежда 9 та кафедра тузилган бўлиб, кафедра мудирлари коллежнинг «услубиёт хонаси» мудирлари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Коллежнинг илмий-услубий салоҳияти ниҳоятда салмоқли бўлиб, коллеж ўқитувчилари томонидан яратилган услубий қўлланмалар, маърузалар матнлари, услубий ишлар вилоятимиз касб—жунар коллежлари ўқитувчилари томонидан амалда фойдаланилади.

Айни пайтда коллежнинг олий ўқув юртлири билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Коллеж Наманган муҳандислик-педагогика ва Наманган муҳандислик-иқтисодий институтлари билан яхши алоқалар ўрнатилган.

1.3. Касб ҳунар коллежида баҳолаш тизимининг таҳлили

Масалалар ва талаблар. Ўқувчиларнинг муваффақиятларини ўз вақтида ва педагогика жиҳатидан тўғри баҳолаш рағбатлантирувчи ҳамда таълим-тарбияловчи роль ўйнайди. Ўзлаштиришни баҳолаш ана шу ролни бажариши учун у ўқувчиларнинг билим, ўқув ҳамда малакаларни оптмал ўзлаштиришига нисбатан қўйиладиган талаблар асосида олиб борилиши керак.

Билим, ўқув ва малакаларни ўлаштириш мураккаб ва кўп қиррали тушунча бўлиб, унинг энг муҳим критерийлари ҳажм, тизимлилик, анланганлик, пухтали ва таъсирчанликдан иборат.

Билимлар ҳажми — бу факт, тушунча ва қоидаларнинг ўқувчилар бирор бўлим, мавзу ёки алоҳида олинган дарс юзасидан ўзлаштирадиган билимлар йиғиндиси. Билимлар системалилиги деганда, ўқувчиларнинг ўрганилаётган фаннинг ички мантқини тушуниши, ўрганилаётган материални муайян изчилликда жойлаштира билиши, бир факт, тушунча ва қоидаларни бошқалари билан тўғри таққослай олиши, фан системасини, унинг энг муҳим ғоя ва қонуниятларини тушуниши кўзда тутилади.

Билимларнинг анланганлиги деганда, тўғри ва ишончли мулоҳаза юритиш, шакли ўзгарган саволларга жавоб бера билиш, назарий билимларни амалий масалаларни изоҳлашда ва ечишда татбиқ эта олиш тушунилади.

Билимларнинг пухталиги ўрганилган материални пухта эслаб қолиш ва олинган билимлардан ҳар хил шароитларда бемалол фойдаланиш, демакдир.

Билимларнинг таъсирчанлиги деганда, ўқувчиларнинг олган билимларидан хилма-хил билиш ва амалий фаолиятда фойдалана олиш, назарияни амалиёт ва ҳаёт билан - қўшиб олиб бориш ўқуви кўзда тутилади.

Ўқувчиларнинг ўқишдаги муваффақиятларига баҳо қўйишда ана шу умумий талабларга асосланилади. Баҳолар оғзаки жавобларга, ёзма ва график назорат ишларга, тажриба-амалий ишларга, ўзлаштиришни дастурланган ҳисобга олишдаги жавобларга қўйилади. Касб ҳунар коллежлари ўқувчилариинг ўзлаштиришига назарий таълим юзасидан қўйиладиган баҳонинг типавий критерийлари “Касб ҳунар коллежларида ўқув ишини режалаштириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги йўриқномасида» да келтирилган. Йўриқноманинг умумий кўрсатмалари ўқувчининг айрим жавобини ёки конкрет ишини етарли даражада объективлик билан қандай баҳолаш кераклигини аниқ билиш учун ўқитувчига ҳали имкон бермайди. Баҳони аниқлашга, ўқувчиларнинг ёрдамчи саволларга нисбатан кўрсатадиган реакцияси, ўқитувчи киритган тузатишлар, ўқувчи жавобининг ишончилиги, фикрини адабий жиҳатдан тўғри баён эта билиши, келтирадиган. мисолларининг оригиналиги, асбоблардан фойдаланиш, чизмани ўқиш ўқуви, графикани билиши ва бошқалар таъсир этади. Масалан, якуний баҳолавларнинг боришида баҳога (буни ўқитувчи англайдими ёки йўқми) гуруҳ ўқувчилари билимининг умумий даражаси, жавоб бериш усули ва жавоб берувчининг ёқимлилиги, шунингдек, бошқа кўпгина субъектив факторлар ҳам таъсир этади.

Ўқувчи ҳаётида баҳо олиш ҳамма вақт муҳим воқеадир, чунки мураккаб кечинмалар: қониқиш ва хурсандлик, ҳафачилик ва умидсизланиш ҳиссиётлари баҳо билан боғлиқ. Ўқувчи ўзи кутганидан паст баҳо олгач, нима сабабдан шундай баҳо қўйилганини ўйлайди, ўз муваффақиятларини таҳлил қилади, ўзи натижаларини ўртоқлари натижаларига солиштириб кўради. Ноҳақ қўйилган паст баҳо баъзан ўқувчининг ишга бефарқ қарашига сабаб бўлади, тиришиб ва актив ўқишга бўлган ижобий қарашларини бўғади. Ҳеч қандай асоссиз қўйилган юқори баҳо ҳам зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин, чунки ўқувчи ўз “муваффақиятлари” учун қўйилган баҳога маҳлиё бўлиб, ўзига нисбатан талабчанликни пасайтиради. Ўқувчилар ўз билимларига қўйилган баҳо ҳаққоний ва объектив эканлигини ҳис этишлари керак; шу билан бирга, уларни ўз-ўзини танқид руҳида, баҳо паст бўлган ҳолларда ўз ишидаги хато ва камчиликларни, ўз билимларидаги етишмовчиликларни яхшироқ ўйлаб, шошимай, айни вақтда, актив равишда тузатиш руҳида тарбиялаш керак.

Ўқувчиларнинг билим, уқув ҳамда малакаларига қўйиладиган баҳонинг объективлигини оширишда ва ишдаги муваффақиятларини назорат қилиш ҳамда баҳолашга ёндошиш бирлигига риоя қилишда коллежаларининг методик кенгашлари алоҳида роль ўйнайди, бунда ўқитувчилар иш тажрибаларини алмашинадилар, ўқувчиларга талабчан бўлишнинг ягона йўлини ишлаб чиқадилар, ўзлари қўядиган баҳолар критерийсини уйғунлаштирадилар. Фанлараро боғланишлар томонларидан бири ана шунда намоён бўлади.

Объектив баҳо қўйиш нуқтаи назаридан олганда энг мураккаби ўқувчиларнинг отзаки жавобларига баҳо қўйишдир. Агар ёзма ва график ишларни, тест тоншириқларини баҳолашда уларни қандайдир миқдорий таҳлил қилиш мумкин бўлса (тўғри ва нотўғри жавоблар сони, хатолар сони ва шу кабилар), оғзаки жавобларга тўғри баҳо қўйиш бутунлай ўқитувчининг виждонига ҳавола қилинади.

Баҳонинг рағбатлантирувчи ва таълим-тарбияловчи аҳамиятини ошириш учун ўқувчига қўйилган баҳони ўқувчи асослаб бериши жуда муҳим. Агар ўқувчининг жавоби ёки иши ижобий баҳоланадиган бўлса, унга жавоби ёки ишининг афзалликлари ҳамда камчиликлари, хатолари ва бу хатоларнинг сабабларини кўрсатиш ва бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш учун нималар кераклиги тўғрисида маслаҳат бериш лозим. Агар салбий баҳо қўйилса, нима учун шундай баҳо қўйилганлигини ўқувчига, бинобарин, бутун гуруҳга тушутириш зарур.

Ёзма текширишда ўқувчиларнинг назорат ишларга муносабати кўп жихатдан ўқитувчининг бу ишларни қандай текшириши ва баҳолашига боғлиқ бўлади. Назорат ишлар ўз вақтида, янгиллигида текширилиши керак. Ўқитувчи билимларнинг текширилиш натижаларини ўқувчиларга куттириб қўймаслиги зарур. Ўқувчилар бу натижаларни ўз вақтида ва асослар келтириб айтиб берилишини ҳамиша орзиқиб кутадилар. Кўпгина ўқувчилар йўл қўйган хатоларни гуруҳ ўқувчилари билан бирга таҳлил қилиш ниҳоятда муҳим. Қаерда хато қилганлигини, унинг сабабини топиш ва тўғри жавоб бериш ўқувчининг ўзига ҳавола қилинса, жуда қимматли бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, баҳо ўқувчиларни ўқитиши ва айни замонда тарбиялаши даркор. Агар бу икки функция шартли равишда ажратилса, у ҳолда қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш лозим: баҳо ўқувчини ўқитиши учун у ўқувчининг тайёргарлик даражасини жуда объектив акс эттириши керак; баҳо максимал тарбияловчи таъсири кўрсатиши учун у, объективликдан ташқари, ҳар бир конкрет шароитда ўқувчининг ирода ва кучини сафарбар қиладиган даражада перспектив бўлиши даркор. Баҳонинг перспективлиги шунда намоён бўладики, ўқитишнинг муайян босқичларида ўқишда анча юқори муваффақиятларга эришиш учун хоҳш ва тиришқоқлик кўрсатган бўш ўқувчиларнинг жавоблари ва ишига ўқитувчи айрим ҳолларда ҳақиқий баҳодан юқорироқ баҳо қўйиши мумкин. Шундай қилиб, перспектив баҳо бу ҳар қандай оширилган баҳо эмас, объектив критерийлардан ваҳтинча четга чиққан ҳолда, ўқувчининг нш сифатларининг ривожланиш динамикасини, унинг билмасликдан билишга, ҳафсаласизликдан тиришқоқликка, ишда тизимга ўтиш ҳаракатини акс эттирадиган баҳодир. Перспектив баҳо натижани эмас; балки жараёни, ўқувчининг интилишларини ва муваффақиятга эришишдаги реал имкониятларини кўфсатади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, перспектив баҳодан тўғри фойдаланилганда у ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишда ижобий роль ўйнайди. Аммо перспектив баҳолашдан тажрибасизлик билан, педагогика жиҳатидан номақбулона фойдаланишга олиб келадиган хавфларга бефарқ қараш ярамайди. Перспектив баҳолар билан нолойиқ баҳоларни бир-биридан кескин ажратиш керак. Шу сабабли перспектив баҳони ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини асослаш воситаси сифатида татбиқ этиш мумкин, лекин объектив баҳони биринчи ўринга қўйиш ва у мустаҳкам деб билиш лозим, чунки объектив баҳосиз ўқув жараёни ҳам, тарбия жараёни ҳам бўлмайди.

Кўпчилик тажрибали ўқитувчилар ўқувчиларнинг ишга қизиқишини ошириш, ишдаги муваффақиятларини рағбатлантириш, уларни ўз кучларига ишонч руҳида тарбиялаш учун “баҳо қўйиш сиёсати”дан оқилона фойдаланадилар. Тажрибали бир қанча ўқитувчилар ўз педагогик фаолиятларида жавоб қайтаришга тайёрланган ўқувчилардангина сўраш усулидан фойдаланадилар ва бу билан баҳонинг чинакам тарбияловчи, рағбатлантирувчи таъсирини таъминлайдилар. Ўқувчиларнинг баъзи ҳолларда жавоб беришга тайёрланмаганлиги сабабларини тушуниш, эътиборга олиш ўқувчиларда ўқитувчи — катта ўртоғи, инсонпарвар одам, бас, шундай

экан, бундай одамни алдаш ярамайди, у берган топшириқни бажармаслик уят деган ишонч туғдиради.

Кўпчилик тажрибали ўқитувчилар ўқувчиларни жавоб беришга уларнинг хоҳшларига қараб чақирадилар. Улар материални яхши билган ўқувчи учун ҳам, материални ўзлаштирмаган ўқувчи учун ҳам тайёрланган ўқувчининг жавоб бергани яхши, деб ҳисоблайдилар. Бу, бўш, тайёрланмаган ўқувчилар ўқитувчининг назаридан четда қолади, виждонсиз ўқувчилар ўқитувчининг инсонпарварлигидан фойдаланиш мумкин, деган маънони билдирмайди. Ўқитувчи тайёрланган ўқувчиларни танлар экан, бутун гуруҳни эътибордан четда қолдирмайди ва ўз вақтида зарур тадбирлар кўради.

Шу муносабат билан, биринчи навбатда ишга бепарволик билан қарайдиган ўқувчиларни “безовта” қилишга интилувчи ўқитувчиларни қоралаш лозим. Бу усул гуруҳнинг шу ўқувчиларига ҳам, бошқа ўқувчиларига ҳам ҳеч қандай фойда келтирмайди. Қолоқлар масъулиятни ҳис этмай, уялмай кўядилар, бошқа ўқувчилар эса ўртоқларининг жавобларидан ҳеч нарса ололмай, вақтни бекорга ўтказадилар. Педагог жамоалар «икки қўйишга ўч» ўқитувчиларни (бундайлар, афсуски, ўқитувчилар орасида ханузгача бор) янада кўпроқ қоралаш керак.

Назорат ва баҳо ўзига хос мусобақага, билимларни намойиш қилишга айлангандагина улар ўқувчиларни яхшироқ тарбиялайди. Ўқитиш ўқувчиларнинг ёлғиз онгигагина асосланиб қола олмайди, аммо назорат ва талабчанлик ўқитувчининг масъулиятлигисиз, кўпдан кўп факторларни ва аввало, ўқувчи шахсини доимо ҳисобга олмай туриб мумкин бўлмайди.

1.4 Касб ҳунар коллежидаги методик ишлар таҳлили

Коллежда қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича тайёрланаётган кичик мутахассисларнинг билим даражасини янада ошириш, мустақил шуғулланишлари учун 15 мингдан зиёдроқ илмий-ўқув ва бадий адабиётларга эга бўлган кутубхона ва замонавий ўқув зали мавжуд. Сўнгги йилларда ўрта махсус, касб-унар коллежлари учун мўлжаллаб чиқарилган янги дарсликлар, услубий қўлланмалар, маърузалар матнлари билан ўқувчилар етарли даражада таъминланган. Шунингдек, ҳар бир ўқув хоналарида ҳам кичик кутубхоналар ташкил этилган.

Ўқувчилар дарсдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ва самарали ўтказиш мақсадида, уларнинг қизиқиши ва лаёқатларини назарда тутган ҳолда 6 та фан тўғарақлари, 4 та ортиқ спорт секциялари ва бадий ҳаваскорлик, фотоҳаваскорлик тўғарақлари ташкил қилинган.

Коллежда илғор педагогик тажрибаларни ва янги педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш ва улардан самарали фойдаланиш борасида амалий ишлар режаланган. Коллеж ўқувчилари ва муҳандис-педагоглари ҳар бир дарсни ноанъанавий тарзда, қизиқарли, таъсирчан ўтилмоқда. Янги педагогик технология элементлари киритилган намунавий дарслар ташкил этилган.

Ўқувчиларга давлат таълим стандартлари талаблари даражасида билим бериш, ўқувчиларнинг ўзаро тажриба алмашиши, педагогика янгиликларини таълим-тарбия тизимида тадбиқ этиш мақсадида коллежда 9 та кафедра тузилган бўлиб, кафедра мудирлари коллежнинг «услубиёт хонаси» мудирлари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Коллежнинг илмий-услубий салоҳияти ниҳоятда салмоқли бўлиб, коллеж ўқитувчилари томонидан яратилган услубий қўлланмалар, маърузалар матнлари, услубий ишлар вилоятимиз касб—жунар коллежлари ўқитувчилари томонидан амалда фойдаланилади.

Айни пайтда коллежнинг олий ўқув юртлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Коллеж Наманган муҳандислик-педагогика ва Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтлари билан яхши алоқалар ўрнатилган.

2. Талабаларнинг мустақил фаолиятларини педагогик бошқариши

2.1. Талабаларнинг мустақил фаолиятларини педагогик бошқаришнинг моҳияти

Талабаларнинг ўқув фаолиятлари сифати ва жадаллашуви таълим бериш сифатини, балки шунга мос равишда, мутахассислар тайёрлаш натижаларини ҳам аниқлаб беради.

Модомики талаба таълим тизимига субъект сифатида кирса, унда бошидан унинг қобилияти мустақил, онгли ва мақсадли ҳаракат қилишини назарда тутади:

- ўзининг ҳаракатини режалаштириш - ўз мақсадини танлаш, уларга эришишнинг йўл ва воситаларини аниқлаш;
- берилган топшириқларни ечиш учун ўз имкониятларини бирлаштириш-ташқиллаштириш;
- ўз фаолиятини назорат қилиши ва мос равишда баҳолаш- ўзининг кейинги ҳаракатларини ўзи назорат қилиши ва ўзини ўзи баҳолашни амалга ошириш.

Талаба томонидан мустақил ишни бажаришда уларнинг фаолияти тизимида кўрсатилган ҳар бир элементларнинг муваффақиятли

- режалаштириш;
- ташқиллаштириш;
- мониторинг ва баҳолаш;

Шундан сўнг ўқитувчи томонидан куйидаги қоидалар амалга оширилади:

- талаба нафақат ўқув машғулотининг мақсадини, балки унинг якунида тахминан қандай ўқув натижаларга эришиш мумкинлигини ҳам билиши зарур;
- ўқув натижаларига эришиш йўллари кўрсатилганда - берилган ишга маълум бўлган усул ёки техникани ўрганиш ва қўллашни ёки ишлар тартиби бўйича батафсил йўриқнома ёки кўрсатмани айтиб бериш мумкин;
- талаба назоратнинг шакли ва тури: ёзма-эссе, ҳисобот, реферат ва бошқалар, оғзаки-тақдимот, саволларга жавоб бериш ва бошқалар, шунингдек ҳар бир ўқув топшириғини баҳолашни сифат ва миқдорий мезонлари билан таништирилган бўлиши зарур;
- ўзини ўз текшириш учун ҳар бир ўқув машғулотида тавсия этилаётган топшириқ (тест, савол, вазифа ва машқлар) жорий педагогик назоратни ва талаба томонидан кўзланаётган таълимий мақсадларга эришиш даражасини доимий ўзи баҳолашни таъминлайди;
- “ Ўқув фани бўйича талабани ўқув натижаларининг ютуқлар варағи” ишлаб чиқиш. У талаба томонидан рейтинг балларнинг тўпланиши тўғрисида тезкор маълумотларни олишнинг воситаси ҳисобланади.

2. 2. Умумўқув кўникма ва малакаларга эга бўлиш –талабаларнинг мустақил фаолияти асоси

Замонавий таълим технологияларини амалга ошириш шароитида талаба қуйидаги умумқув (ҳар қандай ўқув фанини муваффақиятли ўзлаштириш учун зарур бўлган) кўникма ва малакаларга эга бўлиш керак:

1) маълумот билан мустақил ишлаш: асосий ҳолатларни аниқ, чизмавий ва изчилликда конспект кўринишида қайд этиш; ўқув топшириқ ва вазифаларни ечиш учун зарур бўлган ахборотларни топиши, таниши, тушуниши, танқидий баҳолаши, уни йиғиш ва реферат, ҳисобот, белгиларда, шунингдек графикли ташкил этувчилар кўринишида тақдим этиш; берилган талабларга мувофиқликда ўзининг шахсий илмий матнини (мақола, маъруза, тезис) яратиш;

2) тақдим этиш малакалари: ўқув топшириғини бажариш натижалари бўйича сўзлаётганда ўзини дадил тутиши, турли кўргазмали воситалардан фойдаланиши;

3) ўқитувчи билан талабани ўқув ўзаро ҳаракатини ташаббуслаш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш ва мураса йўлини топиш, суҳбатга киришиш, ҳақиқат бўйича саволлар бериш, далилий жавоблар бериш, мунозара қоидаларига риоя этиб уни олиб бориш, тортишувларда иштирок этишнинг мулоқотлашув малакалари;

4) гуруҳли ўзаро ҳаракатга тайёрлиги ва қобилиятида - ўқув топшириғини бажариш бўйича ҳамкорлик фаолиятини жамоавий режалашда, умумий вазифани ечишда ҳамкорий мулоқот ва ўзаро ҳаракат, ўзаро ёрдам ва ўзаро баҳолашда намоён бўладиган ҳамкорликда ишлаш малакалари;

5) муаммоли маърузада фаол иштирок этишни ва таълимий вазиятларни (Кейс-стади) ва бошқаларни ечишни таъминловчи муаммоли вазифаларни таҳлил қилиш, ўқув топшириғини ечишнинг оддий бўлмаган йўллари топиш, ғояларни ишлаб чиқиш ва хулосаларни қабул қилиш малакалари;

б) ахборот излаш, йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш учун замонавий компьютер ва ахборот технологияларини қўллашнинг амалий малакалари.

Бироқ буларга талабани ўргатиш керак!

2.3. Ўқув фани бўйича ўқув услубий мажмуа

Талабаларга ўқув фанини мустақил фаолиятда ўрганиш ва билимлар сифатини доимий ўзи текширишини ташкиллаштиришда ёрдам бериш учун мўлжалланган.

ЎУМ тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари СЎЗ БОШИ.

ЎУМ бу қисмида,

- берилган ўқув фанини ўрганишга киришишида ўқитувчини талабага мурожаати;
- ЎУМ тузилиши;
- унинг мазмунига қисқача тавсифи берилади.

I БЎЛИМ. ЎҚУВ ФАНИГА КИРИШ.

Қуйидаги ўқув маълумотли материаллардан иборат:

1) ўқув фанини ўрганишнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари;

2) мутахассислик бўйича талабалар томонидан фан мазмунини муҳим ўзлаштириш даражасига давлат таълим стандартларининг талаблари;

3) фаннинг ўқув дастури: ўқув вақтининг умумий ҳажми ва уни мавзулар ва иш турлари бўйича тақсимланиши кўрсатилади, ўқув фанининг мавзувий мазмуни изчилликда баён этилади;

4) фан бўйича назорат шакли ва рейтинг баҳолаш;

5) асосий ва кўшимча адабиётлар рўйхати;

б) фан бўйича билимларни яқуний текшириш саволлари.

II БЎЛИМ. ЎҚУВ ФАНИ БЎЙИЧА РЕЖА-ТОПШИРИҚ ВА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ.

Берилган ўқув машғулоти тўғрисида маълумотни, жумладан кўзланаётган ўқув натижалар, мустақил иш учун топшириқлар; уларни бажаришни таъминловчи ўқув материал ва услубий тавсиялар; ўқув ютуқларини ўзи текшириши учун тест, топшириқ ва саволлардан иборат. Талабани ўқув машғулотида мустақил тайёрланишида ва ўқув жараёни вақтида унинг мустақил фаолиятини ташкилий-дидактик таъминлаш вазифасини бажаради. Ўқув ютуқларини доимий ўзи назорат қилишини таъминлайди.

ФАН БЎЙИЧА ГЛОССАРИЙ.

Асосий тоифа ва атамалар луғати иборат.

ЎҚУВ ФАНИ БЎЙИЧА ТАЛАБАНИ ЎҚУВ НАТИЖАЛАРИНИНГ ЮТУҚЛАР ВАРАҒИ.

Талаба томонидан рейтинг баллар тўпланиши тўғрисида тезкор маълумотларни олишни таъминлайди.

2.4. Ўқув фани бўйича талабага мўлжалланган ЎУМ ишлаб чиқишнинг воситалари

Талабанинг ЎУМ қуйидагилардан келиб чиқиб ишлаб чиқиши керак:

- 1) ўқув маълумотининг мақсади, тузилиши, мазмуни ва ҳажми;
- 2) талабага ДТС томонидан белгиланган, берилган шароитда ва ўқув режасида белгиланган вақтда таълим мақсадларига эришишни кафолатловчи фан бўйича таълим технологияси.

РЕЖА - ТОПШИРИҚ

Режа - топшириқ ҳар бир ўқув машғулоти учун тузилади. Жадвал кўринишида бажарилиб, қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- Мавзунинг номи, ўқув машғулоти шакли ва тури.
- Ўқув машғулотининг тузилиши/олиб бориш режаси.
- Ўқув машғулоти мақсади.
- Талабанинг ўқув фаолияти натижалари - таълим бериш натижасида талаба бажариши лозим бўлган ҳаракатлар. Улар аниқ ва феълларда (...айтади,санаб беради, таснифлайди ва ҳ.к.) ифодаланиб, олинган натижаларни бир хил маънода ва ҳаққоний баҳолаш, уларни белгиланган мақсадга мос келишини аниқлаш имконини беради.
 - Мустақил тайёргарлик учун топшириқ. Улар қисқа маслаҳат ва уларни бажариш бўйича тавсияномалардан иборат бўлган- айтиб беришлар билан берилиши мумкин.
 - Назорат шакли: кузатув-ўқув топшириқларини бажариш-савол-жавоб шакли-тест ва бошқ.
 - Ўқув фан бўйича талаба олиши мумкин бўлган, энг юқори балл. Ўқув фан бўйича талаба олиши мумкин бўлган, ҳақиқий балл.

ЎҚУВ- УСЛУБИЙ МАТЕРИАЛЛАР

Ўқув-услубий материаллар ўқув машғулоти мақсади ва мазмунидан ташқари, таълим бериш технологиясига мувофиқ қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Ўқув материаллар: маърузанинг қисқа (таянч) чизма ва жадвал кўринишидаги ёзмалари.
- Ўқув гуруҳи учун топшириқ, уларни бажаришнинг кўрсаткич ва баҳолаш мезонлари.
- Талабалар ўқув иш жараёнида амал қилишлари лозим бўлган ахборот берувчи материаллар: (ақлий ҳужум, гуруҳларда ишлаш) *қоидаси*; (эссе, реферат ёзишга) *талаблар*; (кейс

ва бошқ.) *материаллар*.

• Ўзини текшириш учун топшириқлар (тест, савол, топшириқ ва машқлар). Жорий педагогик назоратни ва талаба томонидан кўзланаётган таълимий мақсадларга эришиш даражасини доимий ўзи баҳолашни таъминлайди. Оралиқ ва якуний назоратнинг савол ва топшириқларини ўз ичига олади.

Ўқув-услубий материаллар ҳажми чегараланмайди. Лекин улар катта ҳажмли, яхши тузилмага келтирилган ва графикли рамсийлаштирилган бўлиши керак.

2.5. Таълим воситалари: тушунча ва мазмуни

Таълим воситалари - ўқув материални кўргазмани тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

Таълим воситалари:

1. Таълим беришнинг техник воситалари (ТТВ);
2. Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ);
3. Ўқув-услубий материаллар (ЎУМ).

Таълимнинг техник воситалари (ТТВ) - ўқув материални кўргазмани намойиш этишга, уни тизимли етказиб беришга ёрдам беради; талабаларга ўқув материални тушунишларига ва яхши эслаб қолишларига имкон беради.

Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ) - графиклар, чизмалар, намуналар ва ҳ.к. бошқ.

Ўқув - услубий материаллар (ЎУМ) - ўқув материаллар, ўзлаштирилган ўқув материалларини мустаҳкамлаш учун машқлар. Булар талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берадилар.

Талабаларни ўқув - билиш фаолиятларини жадаллаштиришга ёрдам берувчи ҳар турдаги *таълим воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш қўйидагиларга боғлиқ:* 1) мақсадни белгилаш; 2) асосий билим манбаига; 3) таълим усулига; 4) ўқув материалнинг янгилиги ва мураккаблигига; 5) талабаларни ўқув имкониятларига.

Таълим воситаларининг таснифи



Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омиллар

Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омиллар:

- мақсадни белгилаш;
- ўқув ахборот мазмуни;
- таълим воситалари;
- етакчи билим манбаи;
- ўқув материалнинг янгилиги ва мураккаблиги.

ЎУМ турлари ва улардан фойдаланишнинг хусусиятлари

ЎУМ турлари	Хусусиятлари		
	қўлланилиши	мазмуни	расмийлаштириш
Йўрик нома бериш	Алоҳида, жуфтликда ва гуруҳли иш доирасида гуруҳли топшириқни бажаришда	Бажариш учун тақдим этилаётган топшириқнинг аниқ фойдаланиши. Вақтга ва иш шаклига, қўйлаётган натижа, натижани тақдим этиш шаклига, унинг баҳолаш мезонига қаратилиши.	Тузилмавийлик, аниқлик

Эслатма	Материални мустаҳкамлашда, дарс якунида ва мустақил қўллаш учун	Машғулотда ўтилган асосийларининг энг қисқа умумлаштирилиши	Қисқа тузилмавийликда асосий мазмунни баён этилишидан иборат; қисқа таклифлар, аниқ фикрлар, мисоллар; матн ўрнида чизма, расм, жадвал ва бошқалардан фойдаланиш.
Назорат варағи	Эгаллаган билимларни текширишда	Фикрлаш учун саволлар ва янги билимларни қўллаш	Ўқитувчи текширув натижаларини киритиш учун бўш жой бўлиши керак.
Тезислар	Машғулот <i>олдидан</i> ёрдамчи қўлланма сифатида; Ўқув машғулот <i>вақтида</i> - якун чиқаришда, машғулотга тайёрланган материални мустаҳкамлаш учун; - қисқа қайд этиш учун фаол воситадек; - ўқув машғулотидан <i>сўнг</i> - билимларни мустаҳкамлаш учун маълумотномадек.	Мавжуд машғулот мазмунига мос келиши ва уни тўлдириш зарур	Қисқалиги: имкони борича бир варақ А4. Талабалар шахсий фикрларини ёзишлари учун бўш жой бўлиши зарур.

2.6. Мустақил иш шакллари

График органайзерлар – у эслаб қолиш, тушуниш, таҳлил ёки қўллашни яхшилаш учун қоғозда (ёки компьютер мониторида) ахборотни ташкил қилишга ёрдам берадиган барча воситалар. Ёки, атамалар тили билан тушунтирадиган бўлсак – кўриш билан алоқа боғлашнинг ускуналари, унда кўргазмали воситалардан фойдаланилади. Улар таълимни ташкил қилиш жараёнида борган сари кўпроқ фойдаланилмоқда ва мустақил таълим олишда муваффақият билан қўлланиши мумкин.

Ҳар биримиз қоғозни ўртасидан чизик тортиб бир томонда ижобийларни иккинчи томонида салбийларни санаганимизда содда график органайзердан фойдаланганмиз, масалан, машина сотиб олиш масаласи. Кейинги қадам: энди шу қоғозни чизик билан тўртга бўлиб иккита объектни бир бирига солиштирамиз, масалан дам олиш учун денгизга бориш керакми ёки дала ҳовлига. Албатта, ҳеч қандай графикасиз рўйхат ва рақамларни ёнма–ён ёзилса таққослаш тезлашади. “Instructional Strategies Online” ресурсида: “Кўпчилик график органайзерлар ахборотни ишончли кўргазмали ҳолда тасвирлайди ва кўринмаётган қонуният ва ўзаро боғланишларни илғаб олишга имкон беради”.

2.7. Режалаш учун мустақил иш шакллари

Қарор қабул қилиш, вариантларни таҳлил қилиш, режалаш ва тайм–менежмент график органайзерлари энг кўп қўлланилади. Хусусан, тайм–менежмент мақолаларида бу атама кўп учрайди. Режалаш шаклларида ўзига хос ўқув вариантлари мавжуд. Масалан, ҳаммага маълум бўлган дарс жадвали (баъзи фойдаланувчилар қўшимча қаторларда уй вазифалари ва жарсдан

ташқари вақтлардаги фаолликни белгилаб борадилар). Ёки камроқ маълум бўлган уч устунли KWL шаклдан фойдаланишади.

Аббревиатура шифри куйидагича очилади “Биламан (Know), Ҳоҳлайман (Want), Ўзлаштирдим (Learned)”. Ана шу жадвал устунларининг номи. Уни тўлдириш мавжуд билимларни фаоллаштиришга ва ўқув мақсадларини аниқлашга имкон беради. Биринчи устунда янги материал устида иш бошламасдан аввал мавзу бўйича нима маълум ва нимани билиш кераклигини белгилаб қўйилади. Иккинчи устунни маърузани эшитиб бўлгач ёки қўлланмани кўриб чиққач олинган билимларни белгиланади ва таълимни самараси баҳоланади. Шу жадвалнинг ўзига яна битта устун “How” қўшилса билимлар манбасини мустақил қидиришга мўлжалланган органайзер ҳосил бўлади – KWHL. Бу ерда энди тўртта устун. “How” қўшилди, бу устунда ўқувчи излаган билимини қандай ўзлаштиришини ёзади.

2.8. Мустақил иш шаклларининг бошқа кўринишлари

Таълимда график органайзерларни қўллаш тайм–менежмент ва режалаш воситаларин мослаштириш билан чегараланмайди. Жаҳон педагогикаси матнни таҳлил қилишга мўлжалланган кўплаб янги тилни ўрганиш, мавзунини қисқа баён қилиш учун шаклларни ишлаб чиққан (улардан баъзиларини мустақил матн яратиш учун фойдаланилади). Масалан, кимдир бирорта тилни мустақил ўрганган бўлса, янги сўзлар матн ичида яхши ўзлаштирилишини яхши билади. Баъзилар, сўз захирасини орттириш мақсадида битта ёки иккита сўзни янги сўз билан биргаликда ёзадилар. Тўғри, бу гапни грамматик машқларнинг қалин дафтаридан ёки бегона тилдаги қиссадан қидириб топиш амри маҳол. “График органайзер”да эса янги тилни ўрганиш учун гапни ёки янги сўзни аниқловчи майдон киритилган бўлади, бу майдонда бу сўздан қаерда фойдаланилганлиги ёки расм келтирилади. Ёки – синоним, антоним, ассоциация ва фойдаланилган мисоллар учун майдон. Агар сўзлар ўқув дафтарига қўшилган бўлса, ўқишдан олинган самарага қайтиш осонроқ бўлади.

Баъзи органайзерлар тайёр шаклга эга бўлади (масалан, kwl шакли, тил ўрганиш ёки матнни таҳлил қилиш учун шакл), бошқалари таълим жараёнида олинган ахборот жамлашни ташкил қилишнинг умумий принципларини тақлиф қилади (масалан, менталь карталар, блок–схемалар, жараёнлар карталари ва ихтиёрий мазмундаги бошқа шакллар).

2003 йилда Катталар таълими ва саводхонлиги ассоциациясига кирувчи Таълимда ўзгаришлари тадқиқоти институти (АҚШ) таълимнинг кўргазмали воситаларидан фойдаланиш тўғрисида 29 та тадқиқотни чоп этди. Тадқиқотларнинг кўпчилигида айнан график органайзерлар ҳақида сўз боради. Олимлар уларнинг қўлланиши бир неча йўналишда талабаларнинг кўрсаткичларини яхшилашини аниқладилар. Хусусан:

1. Агар ахборотни матн шаклида эмас, балки кўргазмали тақдим этилса эслаб қолиш яхшиланади.

2. Ўқилганларни тушуниш яхшиланади.

3. Таълим олишда қийналаётган талабаларнинг ҳам ўзлаштириши ортади.

4. Танқидий фикрлаш уқуви яхшиланади.

Ўзбек тилидаги интернет материалларида бу тўғрида маълумот деярли йўқ. Рус тилидаги интернет материалларида эса тартибсиз ва кам. Аммо инглиз тилидаги ресурсларда қоғозга тушириб олиш учун тайёр шакллар керагидан ортиқ. Пуллик сайтларда эса материалларни кенгрок ёритади, аммо бепулларидан ҳам етарли маълумот олиш мумкин. График органайзерларни шаклини режалаштиришнинг қийин жойи йўқ, илғор чет эл тажрибасидан илҳомланиб шахсий эҳтиёж учун унга ўхшаш бирор нарса ўйлаб топиш мумкин (фақат она тилидаги матнда). Чет тилини ўрганиш учун тайёридан фойдаланиш мумкин. Қуйида шу йўналишда машҳур бўлган бешта мурожаатлар келтирилган: хоҳиш бўлса ундан ҳам кўпроғини топиш мумкин.

http://www.teach-nology.com/web_tools/graphic_org/ умумий тавсифланган ва аниқ бир фанни ўрганиш учун график органайзерларнинг улкан кутубхонаси (ғояларни таққослаш, тайм–треккерлар, жадваллар. Шаклларни маълум қисмини сайтнинг ўзида бўлимлар учун номларни ўзгартириш мумкин (сервис кирилл ҳарфларини ҳам қабул қилади). Тайёр намуна шакллар ҳам мавжуд (инглиз тилида) – уларга ўхшаганини тайёрлаш жуда осон. Маълумотларнинг бир қисми пуллик материал сифатида тақдим қилинган.











































<http://www.enchantedlearning.com/graphicorganizers/> График органайзерлар улкан кутубхонасининг яна битта пуллик сайти. Аъзолик йилига 20 \$. Бош саҳифада бўлимлар ва қайси органайзердан фойдаланиш ҳақида батафсил тавсиялар келтирилган.

<http://freeology.com/graphicorgs/>. Органайзерлар кутубхонасига бепул кириш мумкин бўлган сайт. 100 жан ортиқ шаклни қоғозга чиқариб олишни таклиф қилади. Улардан кўпчилиги тил ўрганиш учун мўлжалланган.


<http://www.cobbk12.org/Cheathamhill/LFS%20Update/Graphic%20Organizers.htm> Здесь только чуть больше пятидесяти бесплатнѹх бланков, зато их можно загрузить в формате Word, что упрощает редактирование и перевод с английского.

<http://davidseah.com/productivity-tools/> “Креатив мустақиллик” бўйича экспертнинг шахсий сайтида амалда синаб кўрилган график органайзерларнинг шакллари коллекцияси келтирилган. Ҳар бир шаклдан фойдаланиш усули батафсил ёритилган. Аксарияти лойиҳаларни режалаштиришга ва тайм–менежментга қаратилган, ўқувчиларни “Fast book outliner” қизиқтириш керак, чунки унда ўрганилаётган китобдаги мазмунни тез ўзлаштириб олиш воситаси келтирилган.

Graphic Organizers


 Star	 Spider	 Fishbone	 Cloud	 Tree	 Chain	 Continuum	 Cycle	 Clocks
 Flowchart	 Venn	 Chart/Matrix	 Pie Chart/ Circle Graph	 T-Chart	 Y-Chart	 PMI	 KWHL	 Semantic Feature Analysis
 Cause and Effect	 Compare and Contrast	 Decision Making	 Fact/Opinion	 Vocabulary	 Paragraph	 Persuasion	 Main/Supporting Ideas	 5 W's
 Newspaper	 Character Traits	 Story Map/ Book Report	 Non-Fiction Book Report	 Brainstorming Charts	 Plants	 Animal Report	 Geography Report	 Native Americans
 Biography	 Astronomy Report	 Math	 Scientific Method	 Reading Logs	 Wheels			

Кластер



Кластерни тузиш қондаси

1. Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Ғоялари сифатини муҳокама қилманг фақат уларни ёзинг.
2. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агарда ақлингизда ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у холда қачонки янги ғоялар келмагунча қоғозга расм чизиб туринг.




Тоифалаш шарҳини тузиш қондаси

1. Тоифалар бўйича маълумотларни тақсимлашнинг ягона усули мавжуд эмас.
2. Битта мини - гуруҳда тоифаларга ажратиш бошқа гуруҳда ажратилган тоифалардан фарқ қилиши мумкин.
3. Таълим олувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган тоифаларни бериш мумкин эмас бу уларнинг мустақил танлови бўла қолсин.


Тоифалаш жадвали

Тоифалар			



Концептуал жадвал


...тушунчаларга а ёндашувлар	Тавсифлар, тоифалар, хусусиятлар ва бошқалар			





Б/БХ/Б жадвали

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

3.2. Маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослашнинг йўл ва воситалари



Венна диаграммаси



“SWOT - таҳлил” жадвалининг номи инглизча сўзларнинг бош ҳарфларидан тузилган:

Strengths - кучли томони, ташкиллаштиришнинг ички манбалари мавжудлиги назарда тутилади;

Weakness - кучсиз томони ёки ички муаммоларнинг мавжудлиги;

Opportunities - ташкиллаштиришдан ташқарида ривожланиш учун мавжуд, имкониятлар;

Threats - ташқи муҳитда ташкиллаштиришни муваффақиятига таъсир

этувчи хавф-хатарлар.

“SWOT - таҳлил” жадвали



S	W
O	T

Қоидага кўра, SWOT - таҳлил муваффақияти уни ташкиллаштиришига боғлиқ бўлмай, балки муҳокаманинг натижалари келгусидаги аниқ таклиф ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши мумкин. Бундаги кетма-кетликлар қуйидагича бўлиши керак:

Таҳлил таркиблари		Натижаларни амалга оширишнинг хусусиятлари
S	Кучли томонлари (ташкиллаштиришнинг ички манбалари)	-барқарор ривожланишнинг асосий механизми бўлиб хизмат қилади; - янги лойиҳалар асоси ҳисобланади; - тўсиқларни енгиб ўтишининг йўли бўлиши мумкин.
W	Кучсиз томонлари (ташкиллаштиришнинг ички муаммолари)	- ташкиллаштириш фаолияти айнан шуларни енгиб ўтишга йўналтирилган бўлиши лозим; - янги лойиҳалар учун энг муҳим мақсад ҳисобланади; - ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда албатта ҳисобга олиниши зарур
O	Имкониятлар (ташқаридан)	- молиялаштириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча кўрсаткичи ёки ташқи манба бўлиб хизмат қилади, - улар ташкиллаштиришнинг мақсади билан ёки қанчалик муросага келиши билан қанчалик мос келишини ҳисобга олиш зарур бўлади; - янги лойиҳаларнинг асоси ёхуд ҳамкорликни излаш манбаси бўлиши мумкин.


Т	Хавфлар (ташқаридан)	<ul style="list-style-type: none"> - Ҳар бир янги лойихада ҳисобга олиниши зарур; - уларни енгиб ўтиш ёки бетараф этиш йўллари ишлаб чиқилиши керак; - баъзида мантиққа мос келмайдиган “рақиблар” “иттифоқчиларга” айланиши бўлиши мумкин.
---	----------------------	--

3.3. Муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва уни ҳал этишни режалаштиришнинг йўллари ва воситалари





“Нима учун?” чизмасини тузиш қоидалари


1. Айлана ёки тўғри тўртбурчак шакллардан фойдаланишни ўзингиз танлайсиз.
2. Чизманинг кўринишини - мулоҳазалар занжиринитўғри чизиқлими, тўғри чизиқли эмаслигини ўзингиз танлайсиз.
3. Йўналиш кўрсаткичлари сизнинг қидирувларингизни: дастлабки ҳолатдан изланишгача бўлган йўналишингизни белгилайди.



“Балиқ скелети” чизмаси



Қуйдан юқорига босқичма-босқич бўйсунувчи “Қандай?” диаграммаси



“Қандай?” диаграммасини қуриш қоидалари

1. Кўпгина ҳолларда муаммони ечишда “нима қилиш керак”лиги тўғрисида ўйланиб қолмаслигингиз керак. Асосан муаммо, уни ечишда “буни қандай қилиш керак?”, “қандай”асосий саволлар юзага келишидан иборат бўлади.

“Қандай” саволларининг изчил берилиши қуйдагилар имконини беради:

- муаммони ечиш нафақат бор имкониятларни, балки уларни амалга ошириш йўллари хам тадқиқ қилиш;
- қуйдан юқорига босқичма-босқич бўйсунадиган ғоялар тузилмасини аниқлайдилар.

Диаграмма стратегик даражадаги саволлар билан ишлашни бошлайди. Муаммони ечишнинг пастки даражаси биринчи галдаги ҳаракатларнинг рўйхатига мос келади.

2. Барча ғояларни ўйлаб ўтирмасдан, баҳоламасдан ва таққосламасдан тезликда ёзиш керак;


3. Диаграмма ҳеч қачон тугалланган бўлмайди: унга янги ғояларни киритиш мумкин.

4. Агарда чизмада савол унинг “шоҳларида” бир неча бор қайтарилса, унда у бирор муҳимликни аниқлатади. У муаммони ечишнинг асосийси бўлиши мумкин.

5. Янги ғояларни график кўринишда: дарахт ёки каскад кўринишидами, юқоридан пастгами ёки чапдан ўнгга қайд қилинишини ўзингиз ҳал этасиз.

6. Агарда сиз ўзингизга тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиш йўналишини намоён бўлишида ишончли сақласангиз, диаграмма, сиз ҳар қандай муаммони амалий жиҳатдан ечимини топишингизни қафолатлайди

Тузилмавий-мантиқий чизма “Поғона”




Тузилмавий-мантиқий чизма “Поғона”ни қуриш қоидалари


1. “Поғона”ни тузиш жараёнида тизимли схеманинг таркибий қисми ва элементларини силжитиш мумкин - бу у ёки бу ҳолатни қайта фикрлаш имконини беради.

2. Агарда сиз ғояларни ишлаб чиқишда тор йўлакка кириб қолсангиз, у ҳолда бир-икки даража юқорига қайтинг ва муҳим нарсани унутмаганингизга ҳамда бошқача нимадир қилиш мумкин эканлигини кўриб чиқинг.

3. Сиз чапдан ўнгга ёзишга ўргангансиз. “Каскад” қуришни унгдан чапга қараб тузишга ҳаракат қилинг. Бунинг учун асосий ғояни чап тарафда эмас, балки ўнг тарафда жойлаштиринг.



“Пирамида” чизмаси



Чизмани тузиш қондаси билан танишадилар. Алохида/кичик гуруҳларда чизма тузадилар: тўрт бурчак марказида аввал асосий муаммони (ғоя, вазифа) ёзадилар. Унинг счиш ғояларини эса марказий тўрт бурчакнинг атрофида жойлашган саккизта тўрт бурчакларга ёзадилар. Марказий тўрт бурчакнинг атрофида жойлашган саккизта тўрт бурчакларга ёзилган ғояларни, атрофда жойлашган саккизта тўрт бурчакларнинг марказига ёзадилар, яъни гулнинг баргларига олиб чиқадилар. Шундай қилиб, унинг ҳар бири ўз навбатида яна бир муаммодек кўрилади


“НИЛУФАР ГУЛИ” чизмаси -
Муаммони счиш воситаси.
Ўзида нилуфар гули кўринишини намоён қилади. Унинг асосини тўққизта катта тўрт бурчаклар ташкил этади. Тизимли фикрлаш, таҳлил қилиш қўникмаларини ривожлантиради ва фаоллаштиради

Чизмани тузиш қондаси билан танишадилар. Алохида/кичик гуруҳларда чизма тузадилар: аввал асосий муаммони (ғоя, вазифа) ёзадилар, сўнгра кичик муаммоларни, уларнинг ҳар биридан эса, кичик муаммони батафсил кўриб чиқиш учун “кичик шохчаларни” чиқарадилар. Шунга асосан ҳар бир ғоялар ривожланишини батафсил кузатиш мумкин.

Иш натижаларининг тақдими

а7

“Нилуфар гули” чизмаси



“Нилуфар” гули чизмасини тузиш қондалари


Амалий нуқтаи назардан барча ғояларни ихчам деб тасаввур қилинг (битта-иккитаси билан чегараланинг), бу ҳам ақл учун фойдали машқ ҳисобланади.

Сизга катта қоғоз варағи зарур бўлади. Доимо ўзингиз мушоҳадаларингиз натижасини бир варақ қоғозда кўриш фойдали ҳисобланади. Қарама-қарши ҳолда эса сизга бир варақдан бошқасига сакраб юришингизга ва бунда зарурий бирор муҳим нарсани унутишингизга олиб келади.

“ФСМУ” методи

- **Ф** - фикрингизни баён этинг
- **С** - фикрингизнинг баёнига сабаб кўрсатинг.
- **М** - кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.
- **У** - фикрингизни умумлаштиринг.

«ФСМУ» методининг тузилмаси



4. КХК ларда касбий фанларни ўқитишда мустақил билим олиш методларини ишлаб чиқиш ва амалда тадбиқ этишда меҳнат муҳофазаси масалалари

4.1. Меҳнат хавфсизлигининг таъминлаш бўйича кўрсатмалардаги умумий талаблар

Двигатель ишлаб турганда трактор ёки комбайн остида бўлиш тақиқланади. Технологик жараённинг бажарилиши билан боғлиқ бўлмаган шахсларга трактор кабинасида, шунингдек иш бажарилаётган участкада бўлишга рухсат этилмайди.

Бузуқликлар содир бўлганда машина-трактор агрегати, ўзиюрар ёки стационар машина бузуқликлар бартараф этилгунча дарҳол тўхтатилиши лозим.

Қувват олиш вали ва двигатели ишлаётган тракторда машиналарни тозалаш, мойлаш, тузатиш ва ростлаш тақиқланади.

Машина ва механизмлар резина фартуклар тақиб, резина қўлқоп ва этик кийиб ҳамда химоя кўзойнаги тақиб тозаланади ва ювилади. Хизматчи ходимлар машиналар иш органларини тозалаш учун михсус тозалагичлар билан таъминланиши лозим.

Куйишнинг олдини олиш учун сув радиаторининг пробкасини очиш ва совитиш системасидан иссиқ сувни ҳамда двигатель, узатмалар қутиси, кетинги кўприк қартерларидан мой тўкишда эҳтиёт бўлиш керак

Машиналарга диагноз қўйиш, техник хизмат кўрсатиш ва уларни тузатиш билан банд бўлган барча ходимлар хавфсизлик техникаси, меҳнат муофазаси қоидаларини яхши билишлари ҳамда уларни қатъий бажаришлари шарт. Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш, захарланиш, ўт чиқиш манбаи ҳосил бўлиши ҳолларининг олдини олиш учун стационар ва кўчма хизмат кўрсатиш воситаларининг тузилиши ҳамда уларни ишлатиш қоидалари, шунингдек хавфсизлик техникаси, ёнғинга қарши тадбирлар бўйича махсус тайёргарликдан ўтган ва тегишли гувоҳномаси бўлган шахсларга уларни ишлатишга рухсат этилади.

Кўчма техник хизмат кўрсатиш воситаларидан фойдаланиш ва тракторларга диагноз қўйишда тракторни тўхтаташ жойларида тормоз бермай қолдириш; домкратда турган тракторда бўлиш; двигатель ишлаб турганда трактор ичида ёки унинг ёнида бўлиш билан боғлиқ бўлган бирор ишни бажариш тақиқланади.

Сақлаш клапанлари ва ҳаво босими қурилмалари бузуқ, шунингдек трубопроводлар идишлари ҳамда бирикмалари, тарқатиш арматурасидан суюқлик сизиб чиқаётган тракторларга техник хизмат кўрсатиш агрегатларида ишлаш тақиқланади.

Диагноз қўйиш ва техник хизмат кўрсатишга фақат коржома кийиб олгандагина рухсат этилади. Механизми ишлаётганда бажарилиши мумкин бўлган (эшитиб кўриш ва ҳоказо) дан бошқа барча ишлар двигателни ўчириб амалга оширилади. Двигатель ишлаб турганда ишлар узатмалар (қаторлар) қутиси нейтрал вазиятдалигида, кабинада бегона шахслар йўлигида ва аккумуляторлар батареяси электр занжиридан узиб қўйилганда бажарилади. Ўрнатма жиҳозлар ерга ёки махсус тагликка тушириб қўйилиши зарур.

Двигатель ишлаб турганда трактор остига кириш тақиқланади. Двигателни ишга туширишдан олдин узатмалар (қаторлар) ни алмашлаб қўйиш ричаги ва гидросистема тақсимлагичининг дасталари. нейтрал вазиятдалигига ишонч ҳосил қилиш лозим. диагностика ва ростлаш ишларини бажариш пайтида юргизиб юбориш двигателининг ишга тушишининг олдини олиш учун унинг тирсакли вали юқори кучланиш симини свеча электродидан узиб қўйиб айлантрилади. Юргизиб юбориш двигателни ишга туширишда ишга тушириш чилвирини қўлга ўраш тақиқланади Чилвир

учида ёғоч дастак бўлиши керак, уни ушлаганда чилвир бармоқлар орасидан ўтказилиши лозим.

Диагноз қўйишда, техник хизмат кўрсатишда ва тузаташда турли ишларни бажариш учун ишлатиладиган жиҳозлар, асбоблар, мосламалар ва назорат асбоблари соз бўлиши ҳамда ўз вазифасига мос келиши ва ишларнинг хавфсиз бажарилишини таъминлаши лозим.

Асбобда дарзлар қатламланишлар, питр ва чақалар бўлмаслиги керак. Ишлатиладиган калитлар белгиланган ўлчамли жағга эга, чақасиз ва очиқ бўлиши даркор. Калит жағи билан гайка кирраси орасига қистирма қўйиш, бир калитни иккинчиси билан узайтириш, гайкаларни бурашда

зубило ва болгадан фойдаланиш мумкин эмас. Маҳкамланиш жойлари бураб маҳкамланаётганда ёндаги ўткир қиррали деталлардан эҳтиёт бўлиш керак.

Калитни ушлаган қўл ўзингиздан нарига эмас, балки ўзингиз томон йўналишда ҳаракатланиши керак. Сурилма калит билан ишлаганда калит лабларини гайка ёнларига зич сиқиб, уни калитнинг ўзгарувчан томонига бураш лозим.

Таркибий қисмларни қисмларга ажратишда, йиғишда ва ростлашда қисмларга ажратиш-йиғиш ҳамда ростлаш ишларида тавсия этиладиган қуйидаги хавфсизлик тадбирларига риоя қилиш керак: соз жихоз ва асбоблар, деталларни пресслаб чиқариш ҳамда олишда ажраткич ва махсус мосламалардан; оғир таркибий қисмларни кўтаришда махсус механизмлардан фойдаланиш, трактор ва унинг айрим таркибий қисмларининг ўз-ўзидан кўзғалишининг олдини олиш лозим.

Хизмат кўрсатилаётган машиналарнинг айрим қисмларини кўтариш учун гараж ёки йўл домкратлари ишлатилади. Машина остига домкратдан ташқари ишончли таянч қўйилгандан кейин кўтарилган машина остида ишлаш мумкин. Машинанинг фақат махсус белгилар билан белгиланган жойларга, агар улар бўлмаса унда машинанинг ағдарилишига йўл қўйилмайдиган жойларига домкрат қўйишга рухсат этилади. +ўл домкратлари мўрт бўлмаган горизонтал таянчларга жойлаштирилиши лозим. /ишт ва тасодифий қистирмалардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

Махсус ажраткич ҳамда мосламалардан фойдаланишда илмоқли панжалар ва чакрагичлар деталларга яхшилаб маҳкамланиши ҳамда ишлаётганда чиқиб кетмайдиган бўлишини кузатиш лозим. Олинган йиғиш бирликлари, деталлар, асбоблар қисмларга ажратилаётган машинага эмас, балки олдиндан тайёрланган жойга қўйилиши керак.

+исмларга ажратиш-йиғиш операцияларини бажаришда ишлатиладиган ажраткич ёки пресслар бўлмаганда мис учликли уриб чиқаргич ва мис муҳрали болғалардан фойдаланилади. Бу ишларни оддий болға ва кувалда ёрдамида бажариш тақикланади.

Катта ва мўрт металлларни зубило ёки крейцмейсель ёрдамида чиқаришда химоя кўзойнаги тақиш керак.

4.2. Ўқув устахоналаридаги меҳнат муҳофазаси

Ўқувчиларнинг иш ўринларини ташкил этишнинг муҳим вазифаси уларнинг меҳнатини энгиллаштирувчи, меҳнат физиологияси, гигиена ва психология талабларининг бажарилишини таъминловчи воситалар билан жихозлашдир. Бу вазифа ўқув устахоналари ёки айрим ўқув-ишлаб чиқариш участкалари жойлашган бутун ўқув ишлаб чиқариш биноси миқёсида тадбирлар ўтказиш орқали хал қилинади. Бинонинг умумий ёритилишини, товуш изоляциясини, хавосининг тозалигини, талаб қилинадиган температуранинг сақлашни алоқида олинган иш ўрни доирасида таъминлаш мумкин эмас. Шу билан бирга ҳар бир иш ўрнидаги меҳнат шароитларини яхшилашга мўлжалланган воситалар (якка тартибда химоя воситалари) мавжуддир.

Меҳнат хавфсизлигини психофизиологик меъёр ва талаблар физиология-гигиена ва меҳнат хавфсизлик техникаси қўлланмаларида келтирилган. +уйида ўқувчиларнинг ўқув ўринлари ва устахоналарни жихозлашда қўлланадиган турли воситаларнинг бир нча намуналарини кўриб чиқамиз.

Иш жойида меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг асосий шартларидан бири иш ўрнининг рационал ёритилишидир.

Ёритиш ГОСТ (ГОСТ 3825-47) талабларига мувофиқ бўлиши, юзаларни етарли даражада ёритилишини таъминлаши, иш вақти давомида доимий бўлиши, ёруғлиги бўйича тенг тақсимланиши, кўз нурига таъсир кўрсатмаслиги лозим.

Ёритишнинг нормал бўлиши энг аввало ёруғлик манбаининг жойлашишига боғлиқдир. 31-расмда ёруғлик манбаининг тўғри (а) ва нотўғри (б, в, г) жойлаштирилиши кўрсатилган. Биринчи ҳолат энг тўғрисида, чунки ёруғлик манбаи ишловчининг боши тепасига, чап томонга жойлаштирилганлиги туфайли укўз нури олимайди ва иш зонасига соя тушурмай тўғрида-тўғри иш столини ёритади. +олган учала ҳолатда ёруғлик манбаи нотўғри жойлаштирилган.

Иш ўрнинг етарли ёритилмаганлигининг сабаби ёруғлик манбаига масъулиятсиз қараш, лампанинг ифлос бўлиши, абажур ёки рефлекторнинг йўқлиги ёруғликни 30% ёки ундан кўпроқ камайтириш лозим.

Баъзи билим юртларида ўтказилган илмий тадқиқотлар, иш ўрнинг тўғри ёритилиши ўқувчиларнинг иш унумдорлигини 10-30% ёруғлик манбааларининг тоза сақланиши 5-15%га ошириш мумкинлигидан далолат беради. Тадқиқотлар натижасида 30 лк ёритганлик кўпроқ чарчашга, 800-1000 лк ёритганлик камроқ чарчашга сабаб бўлиши аниқланган. Ёритганлик 1000 лк бўлганда хатоларга кам миқдорда йўл қўйилади.

Ёритилишни яхшилаш ва электр энергиясини тажамкорлик билан сарфлаш мақсадида қизувчи лампаларга нисбатан бир қанча авзалликларига эга бўлган люминесцент ётиритгичларни қўллаш кенг тадбиқ қилинмоқда. Бундай ҳолларда ёриқуғлик 3-4 марта ортади, электр энергия бир неча марта кам сарфланади. Люминесцент лампаларининг камчилиги айрим лампаларнинг минлтиллаши туфайли содир бўлувчи стробоскопик таъсирдан иборатдир. Бу камчиликни йўқотиш учун лампалар уч фазали занжирнинг турли симларига уланади.

Иш ўринларининг ёритилиши масаласини ҳал қилишда табиий ёруқликдан фойдаланишнинг таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ёруқликнинг майда звеноли панжаралари йириклари билан алмаштирилади, дераза ойналари ёруғлик нуруни 30% гача тўсиб қолувчи ва иш ўринларини ёритилишини кескин ёмонлаштирувчи чанглардан доимо тозалаб турилади.

Ўқув устахоналарининг қандай рангда бўлиши (бўялиши) эстетик интерьерни яратишда муҳим элемент ҳисобланади. Бироқ бўяш вақтида бўёқнинг рангига бино ва жихозларни безаш нуқтаи назардан қараб бўлмайди, чунки ранг одамга ва умуман бутун меҳнат жараёнига турлича таъсир қилади. Масалан, оқ ранг 75%, оч кулранг 55%, сарғиш ранг 70%, оч сариқранг 45%, кулранг 35%, тўқ жигарранг эса фақатгина 15% нурни қайтаради. Ўқув устахоналарни бўяшда ана шуларни ҳисобга олиш керак.

Одамни кўриш органлари ва асаб системасига қизил, тўқ сариқ, бинафша, тўқизил ранг салбий таъсир этиши тадқиқотлар натижасида аниқланган. Ана шундай рангларга бўялган биноларда ишловчиларнинг кўриш органлари тез чарчайди, меҳнат унумдорлиги пасаяди, зийраклик ва иш сифати ёмонлашади. Яшил, кўкимтир, яшилва сариқ ранглар одамнинг кўриш органи ва психофизиологик функцияларига яхши таъсир этади, меҳнат унумдорлини оширади, чарчашни камайтиради. Турли рангларни инсон кайфиятига қуйидагича таъсир этиши аниқланган: қизил ранг асаб системасини кўзғатади; яшил ранг тинчлантиради; бинафша ранг киши руҳини тушурса; сариқ ранг руҳни тетиклаштиради.

Устахоналарда хавонинг ҳолати, яъни хавонинг тозаллиги, температураси ва намлиги меҳнатнинг соғлом шароитларини яратишдажуда муҳим аҳамиятга эгадир. Хавонинг чанглиги, газлашганлиги, ортиқча намлик ёки қуруқ температуранинг баланд ёки паст бўлиши ўқувчилар организмга салбий таъсир этади. Кузатишлар гигиеник талабларга жавоб берувчи ҳавода ишлаш меҳнат унумдорлигини 10% гача оширишини кўрсатди. Бунга яхши ишлайдиган оқувчи-сўрувчи вентиляцияни ўрнати орқали эришилади. Кейинги вақтларда хавони кондиционирлаш қўлланилмоқда (ҳавога ишлов бериб, доимий метеорологик шароитни-температурани, тозаллик ва намликни сақлаш). Билим юртларининг ўқув устахоналарида ишлаб чиқариш таълими гигиеник талабларга жавоб берувчи «сунъий, иқлим» ни ўрнатиш мумкин. Бу ўқув устахоналарида нормал хавони вужудга келтиришнинг энг прогрессив усулидир.

Иш ўрнидаги меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ўқув устахоналаридаги шовқин ва тебранишни камайтириш, ишлаш учун осойишта шароит яратиш масаласини ўз ичига олади. Меҳнат гигиенаси ва касб касалликлари институтининг ўтказган тадқиқотлари ишлаб чиқаришдаги шовқин одамнинг эшитиш органларига таъсир этишини, гарангликка олиб келишини шунингдек асаб системасига салбий таъсир этиб, бошқа органларнинг нормал ишлашининг бузилишига сабаб бўлишини кўсатади. Шовқин ва тебраниш гипертания, яра-чақа, ошқозон секция бензиннинг бузилиши ва бошқа касалликларга олиб келиши мумкин.

Шовқинга қарши курашдаги асосий йўналишлар-товииши изоляцияси, товишни ютиш ва тебранишни изоляция қилишдир. Шовқинни йўқотишнинг иложи бўлмайди бўлган баъзи машиналарни, шовқин ютувчи тўсиқлар билан ажратиб қўйилади. Радиоэшиттритишларини маълум белгиланади вақтда, яхшиси тушлик ёки машғулоти бошладан олдин, кайфиятни яхшилашга сабаб бўлганда тинглаш лозим. Машғулотлар ва устахоналарда иш бошланиши билан

радиоэшиттиришлар тўхтатилади. Иш кунининг охирида радиоэшиттиришлар кайфиятни кўтариш, чарчоқни олиш учун керак бўлади, улар ишда оптимал шароитларни яратишга ёрдам беришлари керак.

Билим юртларидаги иш кийими гардеробхона биноси гигиеник норма ҳамда hozirги замон талабларига жавоб бериши керак. Ўқувчилар иш бошлашдан олдин илгич ва индивидуал ажратилган шкафли махсус жихозланган гардеробхона биносида махсус иш кийимини киядилар. Ўқувчилар учун энг қулай кийим бинезон ёки ярим конбинезонлардир.

Душхона ва умивальниклар ҳам гигиенанинг hozirги замон талабларига жавоб бериш керак. Йўли борича уларни гардеробхона биноси ёнига жойлаштириш керак.

Душхона ва умивальниклар оқ керамика плиткалари билан қопланган маъқул. Деворлар камида ҳафтасига бир марта, поллар эса ҳар кун ювилади. Баъзи билим юртларида умивальниклар гардероб шкафларнинг қаторлари ўртасига ўрнатилган, умивальник ва душхоналар эса группавий аралаштиргичлар билан жихозланган бўлиши лозим.

5. КХК ларда касбий фанларни ўқитишда мустақил билим олиш методларини ишлаб чиқиш ва амалда тадбиқ этишда атроф–муҳитни муҳофаза қилиш масалалари

5.1. Умумий масалалар

Ҳозирги кунда мамлакатимизда инсон фаолиятининг хавфсизлиги долзарб масалалардан бирига айланган, бунга иш ва турмушда меҳнат муҳофазаси ва атроф муҳит муҳофазаси киради.

Конституциядаги асосларга кўра хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини яратиш, меҳнатнинг санитария гигиена шароитини яхшилаш, технологик жараёнларни автоматлаштириш, такомиллашган хавфсизлик техникасини жорий қилиш, ишнинг меҳнат ҳажмини камайтириш каби вазифалар қўйилган.

Ҳозирги вақтда автомобил парки сонининг ўсиши билан унинг атроф муҳитга таъсири ортмоқда.

Атроф муҳитга ҳайвонот ва наботот дунёсиги, шу жумладан инсонга ҳам автомобиллардан таркибида ис гази ва кўрғошин бўлган ишлаб чиққан газлар таъсир қилади.

Ишлаб чиққан газлар билан бир қаторда атроф муҳитга автомобиллар ҳаракатидан юзага келадиган шовқин ва титрашлар зарарли таъсир кўрсатади.

Тарнспорт воситасининг техник ҳолати зарарли чиқиндиларнинг чиқишига сезиларли таъсир кўрсатади. Асосий агрегатларнинг бузилишида зарарли чиқиндиларнинг тақсимооти қуйидагича: таъминлаш тизими – 38%, двигател – 26%, ёндириш тизими – 21%, ва трансмиссия – 15%.

Илмий-техника тарққиёти инсониятни табиий ресурслардан интенсив фойдаланиши ва атроф-муҳитга бўрон каби бостириб кириши билан боғлиқ.

Халқ хўжалигини интенсификациялаш шароитида табиий ресурслардан самарали фойдаланишда, илмий-техника ютуқларини тезда ишлаб чиқаришга татбиқ этишда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича ташкилий-техникавий тадбирлар алоҳида аҳамият касб этади. Бу тадбирлар сирасига атмосфера сифатининг ҳолатини кузатиш, захарли моддаларни чиқишини камайтириш ва нейтраллашнинг замонавий методларини кўллаш, шовқиндан ҳимоя қилиш киради.

Атроф-муҳит учун айниқса шаҳар учун негатив оқибатлар автотранспорт тизимининг ривожланиши билан боғлиқ, хусусан, кенг маънодаги автомобиллаштиришнинг ривожланиши билан.

Экологик ва социологик муҳитга транспорт воситаларининг шовқини, захарли чиқинди газлари, йўл транспорт ҳодисалари ва электромагнит нурланиш билан тўғридан-тўғри таъсир қилади.

Транспорт тизимининг қисман негатив таъсири автотранспорт жараёнларини амалга ошириш ва транспорт коммуникацияларини жойлаштириш учун автомобил ҳар йили инсон учун зарур бўлган ҳудудларни ошиб бораётган миқёсда эгаллаб боришида кўринади. Ҳисобларнинг кўрсатишича шахсий автомобил паркиннинг ҳозирги кўпайиш жадаллигида ва транспорт коммуникацияларининг анъанавий тамойилларида аҳолиси 1,0 миллиондан ошиқ катта шаҳарларда шу кунларда яшаш учун ажратилган жойларнинг 25% и транспорт восталари учун керак бўлади.

Автотранспортнинг зарарли таъсиридан атроф-муҳитни ҳимоя қилиш муаммоси йил сайин катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шу сабабли унинг ечими комплекс бўлиши ва ҳеч қайси негатив ҳодиса эътибодан четда қолмаслиги керак.

Тилга олинган мезонлар ҳаракат хавфсизлигини, қулайликни, тарнспорт хизматининг сифатини ва самардорлик бўйича мезонларни (ёқилғи сарфи, ис гази миқдори ва бошқалар) таъминлайдиган мақбул автотранспорт тизимини яратишга сезиларли чегарадир.

Шаҳар ҳавоси боссейнининг автомобиллар томонидан ифлосланиши (уларнинг солиштирма оғирлигига қарамасдан) ҳаракат бўлаётган ва яқин жойлашган, одамлар учун иш жойи бўлган ҳудудларда бевосита таъсир қилади.

Катта шаҳарларнинг марказий кўчаларида ва магистраллар кесишган жойларда ис газининг миқдори рухсат этилган таркибдан 5-10 марта ортиқлиги аниқланган. Шунини таъкидлаш керакки,

шу кунгача автомобиллардан ишлаб чиққан газлар таркибига ва сифатига ягона халқаро стандарт мавжуд эмас. Турли мамлакатларда қабул қилинган меъёрлар бир-биридан миллий, худудий ва социал-иқтисодий шароитлар билан сезиларли фарқ қилади.

Зарарли моддаларни чиқишини камайтиришнинг йўлларида бири анъанавий транспорт воситаларининг технологик параметрларини такомиллаштиришдир.

5.2. Автотранспорт технологияларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

Экологик муаммоларни жамоа ва шахсий транспортнинг гармоник ривожланиши билан самарали ечиш мумкин. Умумий ҳолда автотранспорт тизимига қўйиладиган талаблар қуйидагича ифодаланиши мумкин:

- транспорт тизими мавжуд ва келажакка мўлжалланган халқ хўжалиги ва жамият ривожининг социал-иқтисодий мезонларини қониктириши лозим;
- транспорт воситалари илмий-техника ютуқларини акс эттирадиган ёқилғи сарфига эга бўлиши лозим;
- технологик жараёнлар атроф-муҳитга имкон қадар негатив таъсир кўрсатиши лозим;
- транспортвоситалари юқори даражада махсуслашган, шу билан бирга автотранспорт жараёнларининг эгилувчан технологияси шароитларига максимал даражада мослашган бўлиши лозим.

Замонавий жимият ривожланиши талабларига тўла жавоб берадиган тармоқнинг жадал ривожланиш методлари транспорт тизимининг социал ва экологик муҳитга кутилмаган турли таъсирларини ҳисобга олиш билан боғлиқ. Бу айниқса, автотроанспорт тизимининг экологик параметрларини бошқариш тизими ва тармоқни мақбул энергетик таъминоти масалаларига тааллуқли. Бунинг учун халқ хўжалиги юқларини ва йўловчиларни ташиш жамият тараққиётининг энергетик, социал-иқтисодий ва экологик талаблари аниқ ҳисоб-китоб қилинган бўлиши лозим. Масаланинг бундай қўйилишига сабаб юк ташиш тизимида автомобил двигателларининг ф.и.к. потенциал энергетик кўрсаткичлардан паст ва 15-18% ни ташкил қилади. Шу сабабли транспорт ишининг бирлигига ёки битта йўловчи ташиш учун сарф бўладиган ёқилғи миқдори сезиларли даражада кўп ва зарарли моддалар ҳам чиқади.

Катта шаҳарларда атроф-муҳит сифатини бошқариш ташиш жараёнининг технологиясида ва ёқилғининг яширин кимёвий энергиясини механик энергияга айлантириш кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологияни ташкил қилиш йўли билан амалга оширилади.

Янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш яқин келажакда техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирнинг оғир ва мураккаб ишларида замонавий робототехникани кенг қўллашни кўзда тутди.

Замонавий жамиятнинг талабларига тўла жавоб берадиган тармоқ ривожининг жадал методлари социал ва экологик муҳитга негатив таъсир кўрсатадиган турли омиллар ва кутилмаган самараларни ҳисобга олиш билан боғлиқ. Бу, айниқса автотранспорт тизимининг экологик параметрларини, тармоқни мақбул энергия таъминотини бошқариш тизимини такомиллаштириш масалаларига тегишли. Бунинг учун халқ хўжалиги юқлари ва йўловчилар жамиятнинг энергетик, социал-иқтисодий ва экологик талаблари асосида режаланиши лозим. Тармоқнинг вазифасини бундай қўйиш ва ечиш автомобил двигателларининг фойдали иш коэффициентини потенциал энергетик кўрсаткичларидан паст эканлиги ва 15-18 % ни ташкил қилишидир. Шу сабабли, транспортининг бирлигига ёки битта йўловчини ташишга ёқилғи сарфи кўп ва кўп миқдорда зарарли чиқиндилар атмосфера ҳавосини ифлослантормоқда.

Катта шаҳарларда атроф-муҳит сифатини бошқариш ташиш жараёнида кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологиялар ташкил қилиш, ёқилғининг кимёвий энергиясини механик энергияга айлантириш технологиясини такомиллаштириш йўли билан амалга оширилмоқда.

Атроф-муҳитнинг ифлосланиш жараёнини очик-ойдин кўрсатиш ҳозирги кунда ҳам маълум қийинчиликлар туғдиради, бунга сабаб шу ҳақда маълумотларнинг етарли эмаслигидир. Мураккаб экологик вазифани юк ташишнинг марказдан бошқариладиган эгилувчан тизимини яратишдир. Автотранспорт тизимининг самарали ривож тармоқда машина тизимининг шаклланиши ва ишлаши билан боғлиқ. У иккита бир-бири билан боғланган қисмлардан иборат – технологик ва техник қисмлар. Технологик қисм типавий технологик жараёнлар ва технологик комплекслар, техник қисм эса – ташишни таъминлаш воситалари (ҳаракатдаги таркиб, юқлаш-тушириш машиналари ва бошқа таъминловчи механизмлар) бирлигидан иборат.

Машиналар тизимининг етакловчи элементи ҳаракатдаги таркибдир ва унга асосан анъанавий технологик жараёнлар ишлаб чиқилади. Ташишнинг ривожланган индустриал тизими шароитида типавий технологик жараёнларни яратиш ва уларни амалга оширишнинг техника воситалари комплексини шакллантириш учун объектив имконият етарли.

Янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш яқин келажакда техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирнинг сермехнат операцияларида замонавий робототехникадан фойдаланишни кўзда тутди. Мисол сифатида автоматлаштирилган диагностик комплексларни яратиш ва ишлатишни кўрсатиш мумкин. технологик жараёнлар бикр ёки эгилувчан алгоритмлар билан амалга оширилади.

Ишлаб чиқарилаётган ҳаракатдаги таркиб автомобил транспортининг мавжуд ва истиқболли техникавий-эксплуатацион талабларига жаво бериши керак. Бунда автотранспорт жараёнини ва ҳаракатдаги таркибни ишлатиш сифатларини бирлигини амалга ошира олишга имкон берадиган ҳаракатдаги таркибнинг транспорт технологиясини ҳисобга олади.

Автотранспорт жараёнини такомиллаштириш ягона “прогноз – тавсия – стандарт” тизимини яратишдир. Машиналар тизимида истиқболли транспорт-эксплуатацион талабларни ишлаб чиқишда хизмат кўрсатиладиган ишлаб чиқариш технологияси, структураси ва ҳажми ҳамда прогрессив автотранспорт технологияларини қўллаш имкониятини келиб чиқилади.

Яқин келажакда автомобил транспортда автотранспорт воситаларининг ўлчам ва махсус кузов бўйича ташиш жараёнининг сифатини ва ишончилигини, хавфсизлигини ва тежамкорлигини, ҳаракатдаги таркибни ишлатишда меҳнат ва материал харажатларини камайтиришни таъминлайдиган автотранспорт воситалари ишлаб чиқилади.

Хўжаликнинг автомобил паркини ташиш шароити ва характери бўйича мақбул транспорт жараёнининг талабларига жаво бермаслиги харажатларнинг ортишига ва ёқилғининг ортиқча сарф бўлишига олиб келади. Охиргиси экологик муҳит учун қўшимча оғирлик келтириши билан кузатилади.

Қўйилган вазифани ҳал қилиш учун анъанавий техник-эксплуатацион талаблардан транспорт-эксплуатацион талабларга ўтиш даркор, бу ҳолда тадқиқот объекти сифатида автотранспорт воситаси эмас, балки халқ хўжалиги ва аҳоли талабларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажарадиган машина тизими кўзда тутилади.

Мақбул транспорт тизимини яратиш материалларни, одамларни ва ахборотларни жилдиришда умумий объектив қонуниятларнинг мавжудлигига асосланилади. Мақбул транспорт тизимини яратишнинг методик асоси технологик транспорт цикли (ТТЦ) автотранспорт ишлаб чиқаришининг жараён ва элементлари бирлигидир. ТТЦ автотранспорт жараёнини унинг турли омиллари (ёқилғи сарфи, зарарли чиқиндилар чиқиши, иш унумдорлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва қулайлиги) бўйича маълум тизим ҳосил қилиб ҳаракатдаги таркибни жамият ва халқ хўжалиги ривожига мослайди.

Ишлаб чиққан газларнинг заҳарлилиги ва ёқилғи сарфини камайтиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилар: автомобил транспортда ва автотранспорт жараёнида индустриал метод ва прогрессив технологик жараёнлар ишлаб чиқиш; ҳаракатдаги таркибнинг техник-эксплуатацион хоссаларини такомиллаштириш; автомобил транспортда кам заҳарли ва заҳарсиз энергия манбаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш; транспорт жараёнини ва автомобил парки структурасини мақбуллаш.

Аммо санаб ўтилган тадбирлар ёқилғи сарфини, зарарли моддалар чиқишни ва уларни амалга оширишдаги харажатларни камайтириш самарадорлиги бўйича тенг кучли эмас. Ишлаб чиққан газларнинг таркибига таъсир ўтказиш методи жараёни ўтиш сифатини яхшилаш ва ёқилғини цилиндрда тўла ёнишни таъминлаш йўналишларида амалга оширилади.

Ишлаб чиққан газлар таркибидаги зарарли моддаларни камайтиришда ёниш жараёнини мақбуллаш истиқболли йўналиш ҳисобланади, сабаби зарарли моддалар билан двигателнинг чиқариш тизимида ҳозирча ишончсиз бўлган қимматбаҳо нейтраллизаторларни қўллашдан кўра уларни ҳосил бўлиш вақтида курашиш осонроқ.

Автомобил транспортда индустриал метод ва прогрессив технологияларни ишлаб чиқиш муаммоси илмий-техник ва ташкилий масалаларни ўз ичига олади:

- техник ходимларнинг, ҳайдовчиларнинг ва инженер техник ходимларнинг касб маҳоратини ошириш;

- транспорт воситасининг параметрларини созлаш ва назорат қилишнинг прогрессив технологияларини ишлаб чиқиш;
- шу мақсадда зарур бўлган назорат-ўлчаш аппаратуралари ва жиҳозларини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиққан газларнинг заҳарлилигини оператив ўлчаш постларини ташкил қилиш;
- зарарли моддалар чиқишини чегаралаш ва ёқилғи сарфини меъёрлаш.

6. Таълим иқтисоди масалалари

6.1. Таълимда бошқарувнинг мазмуни ва аҳамияти.

Билим юртига қўйиладиган талаблар кучайиб бораётган шароитда ишни ташкил этиш анча мураккаблашди ва профессионал бошқарувни талаб этади.



Инглизча “*management*” – “бошқарув сўзи
лотинча “*manus*” – “қўл” сўзидан ташкил этган

Ҳозирги вақтда менежмент жамият ҳаётининг деярли барча томонларида акс этувчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ҳисобланади.

Менежментнинг маълум турлари (маъмурий, банк, стратегик, инновацион ва б.) орасида ишлаб чиқариш менежменти алоҳида ўрин эгаллайди. У ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида интеллектуал, молиявий, хом ашё, моддий ресурсларни бошқаришни ўз ичига олади.

Билимлар ва интеллектуал капитални улардан янада самаралироқ фойдаланиш мақсадида бошқариш муаммолари сўнгги йилларда биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Билимлар бошқарув объекти сифатида қаралиши лозимлиги кенг миқёсда эътироф этилмоқда. Корхоналарнинг рақобатбардошлик даражасига уларнинг билимларни жамлаш, таҳлил қилиш ва ривожлантириш қобилияти ва охир-оқибатда рақобат соҳасидаги барқарор устунликлар тобора кучлироқ таъсир кўрсатмоқда.

Маълумот (ихтисослик, малака) олиш турли ўқув фанларидан муайян мазмундаги билимларни ўзлаштириш билан боғлиқ. Таълимнинг мазмуни таълим мақсадларига таянади ва Давлат таълим стандартлари билан белгиланади.

Республикамызда юз берган иқтисодий ўзгаришлар миллий иқтисодий амалиётимиз учун янги бўлган бир қанча касбларга бўлган талабни белгилади. Уларнинг орасида менежер касби ҳам бор. Олий ўқув юртини бошқариш амалиётига ҳозирги замон менежменти киритилиши муносабати билан ўқув юртларида менежерларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилади.



Менежер – бошқарув функцияларини раҳбарликнинг замонавий илмий методлари ёрдамида профессионал тарзда амалга оширувчи одам. У профессионал раҳбар.

Унинг профессионализи бозорни, унинг қонунларини билишда, ташкилотнинг ривожланишини прогноз қила олишда ва ташкилот мақсадларига эришиш учун зарур шароитлар яратиш кўникмасида, ресурсларни бошқариш ва вақти-вақти бошқарув технологияларини янгилаш қобилиятида намоён бўлади.

Шундай қилиб, таълим илмий-техникавий ва иқтисодий ривожланишнинг муҳим элементиғагина эмас, балки шахс ва жамият ижтимоий ва маънавий ривожланишининг бевосита

қисмига ҳам айланди. Шу туфайли ҳам таълим жараёнини бошқариш натижаси муҳим ижтимоий-иқтисодий омил ҳисобланади.

6.2. Давлат иқтисодиётининг ривожланишида таълимнинг ўрни ва аҳамияти.

Жаҳонда таълим тизимида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Таълим соҳасидан давлат монополиясидан воз кечиш, тижорат таълимини яратиш, жамият ҳаёти тузилишининг ўзгариши таълим хизматлари бозорига пайдо бўлиши олиб келди. Мазкур бозор ахборот бозори ва меҳнат бозори билан бир қаторда таълим соҳасига фаол таъсир кўрсатмоқда.

Иқтисодиёт ва жамиятнинг ахборотлаштирилиши, давлат ва хусусий корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатиш шароитларининг ўзгариши таълим хизматларига талаб кучайишига сабаб бўлди.



Таълимга эҳтиёж муайян касбни ўзлаштириш, маълум лавозимни эгаллаш, маълум даражада маълумот олиш, қўшимча малакани ўзлаштириш, жамиятда муайян ўринни эгаллаш, мансаб пиллапояларидан кўтарилиш истаги билан белгиланади.

Маълумот ҳозирги дунёда нуфузни белгиловчи омил сифатидагина эмас, балки ҳозирги ҳаёт яшаб қолиш воситаси сифатида ҳам қаралади. Таълим инсон капиталини такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёни сифатида қаралиши мумкин.

Мамлакатда таълим даражаси унинг меҳнат ресурси, иқтисодий салоҳияти, хавфсизлиги, ривожланиш имкониятларини белгилайди. Бу ерда гап аҳоли маълумот даражасининг ўсишидан бутун жамият кўрадиган самара ҳақида боради. Шундай қилиб, инсон ўз маълумот даражасини оширар экан, бундан нафақат ўзи наф кўради, балки жамиятга ҳам катта фойда келтиради. Бу таълим тизимида давлат томонидан дотацион мадад кўрсатилиши заруриятини белгилайди.

Таълим, айниқса олий таълим маданият билан узвийдир. Таълим хизматларига талаб маданият даражаси билан бевосита боғлиқ. Бунда маданият даражаси қанча юқори бўлса, янги билимлар ва қўшимча маълумотга эҳтиёж шунча кучли бўлади. Маданий даражанинг ўсишига мос равишда истеъмолчи ўзининг таълим соҳасидаги эҳтиёжларини қондиришга онгли равишда йўналтирувчи бюджетдаги харажатлар улуши ҳам кўпаяди.

Шундай қилиб, таълимнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий мазмуни мавжудлиги тўғрисида сўз юритиш мумкин. Бунда таълимнинг иқтисодий табиати инсонда унга келажакда ўз меҳнатини яхши пулга сотиш, жамиятга эса – одамларнинг янги билим ва кўникмаларидан фойдаланиб меҳнат унумдорлигини ошириш ва янада сифатлироқ маҳсулот олиш имкониятини берадиган таълим капиталининг шаклланишида намоён бўлади. Таълим иқтисодий мазмунининг мазкур талқини унинг инвестицион товар сифатидаги талқинига зид келмайди, чунки у келажакда ўзини оқлайдиган инвестицияларни талаб этади.

Таълимни технологиялаштириш ҳар доим қўлланган, аммо унинг даражаси одатда методиканинг ривожланиш даражасига мутаносиб бўлган. Авваллари фойдаланилган тематик режалаштириш, мақсадни ва унга эршиш востасини кўрсатиб дарсни режалаштириш, ўқувчиларнинг текшириш ва назорат ишлари – буларнинг барчаси ўқув жараёнини технологиялаштиришнинг белгиларидир. Янги, методик фаннинг юқори даражадаги ривожини мақсадга йўналтирилган технологияларни ишлаб чиқаришга туртки берди. Аммо, кўпчилик бунда йўналиш модасини ёки фалокатдан қутилиш воситасини кўришди.

Таълим методикаси ва технологияси таълим жараёнининг турлича даража таҳлилини ақс эттиради. Технологиянинг мукаммалик даражаси методиканинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Таълим технологияси ўқув жараёнини бошқариш ва режаланган мақсадга мос натижаларни олишга имконини беради. Методик ва дидактик тадқиқотларнинг хулосаларини менсимаслик таълим технологиясини жиддий назарий асосдан маҳрум қилади.

Шуни таъкидлаш лозим, барча педагогик назарий ёки методика технологик даражага эриша олмайди, ёки бошқача айтганда йўриқлар кўринишида, бажариладиган ишлар, ҳаракатлар, операциялар кетма–кетлиги бўлиб ихтиёрий ўқитувчи томонидан берилган шароитда ва воситалар билан амалга оширилиши мумкин. Шу сабабли, назарий асосни ишлаб чиқаришдан ташқари педагогик технологияни лойиҳалаш педагогик жараёни катнашчиларининг фаолият босқичларини ажратишни кўзда тутаяди, уларнинг бажарилиш кетма–кетлиги амалий натижаларни таъминлайди.

Амалиётнинг кўрсатишича, инновацион технологияларни тадбиқ қилишда бир қатор тўсиқлар мавжуд:

1) педагог ходимларда оммавий мактаб шароитида илмий ютуқларни таъминловчи кор қиладиган ахборот хизмати етарли эмас;

2) тизим, дастур, технология ва бошқаларнинг муаллифлари асосий эътиборларини педагогик жараённинг мазмун жиҳатига эътибор қаратадилар ва назарий ғояни технология даражасига кўтара олмайдилар;

3) бутун педагогик тизимнинг ва таълим муассасалари бошлиқларининг эски ишларга ёпишиб олганлиги муҳокама қилинаётган масалани муваффақиятли ечилишига тўсқинлик қилади.

Психолого–педагогик тадқиқотларнинг натижалари, шу жумладан, инновацион педагогик технологиялар ўқув–тарбиявий жараённинг самарадорлигини оширишга ва таълим муассасаларининг асосий вазифасини муваффақиятли ҳал қилинишига хизмат қилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. ., “Ўзбекистон”, 2009 й.
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, Ўзбекистон, 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги Қонуни. Тошкент, Ўзбекистон, 1997 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини ислохотлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар. 1-2 қисм. Т.: 1998 й.
5. Ахлиддинов и др. “Управление образованием в Узбекистане: проблемѣ, поиск, решения”. Т. “Ес-ТАСИС”. 1999г.
6. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат -Т.: ТДПУ, Низомий, 2003.
7. Авлиёкулов Н. Замонавий ўқитиш технологиялари.-Т., 2001.
8. Бершадский М.Е. В каких значениях используется понятие “технология” в педагогической литературе?//Школьные технологии.-2002.- №1.
9. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. - М.: Педагогика, 1989.
10. Боголюбов В.И. Эволюция педагогических технологий //Школьные технологии - 2004. - № 4.
11. Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах: Учебное пособие //Под обх. ред. акад. С.С. Гулямова. - Т.: ТГЭУ, 2005.
12. Епишева О.Б. Основные параметры технологии обучения.//Школьные технологии -2004.- № 4.
13. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. Т.: Ўқитувчи, 2004.
14. Пидкасистый П.И., Хайдаров Ж.С. «Технологии игры в обучении и развитии» М., 1996, 268 стр.
15. Суворова Н. «Интерактивное обучение: Новые подходы» М., 2005.

Интернет сайтлари

[Марина Куновская, self-organizng.by](http://self-organizng.by)

